

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ

ХАСАНОВА ЛАЙЛО ФИРДАВСИЕВНА

**АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ “БАДОЕ УЛ-БИДОЯ” ДЕВониДА
ИТ ОБРАЗИ**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар :

Проф. Н.Жабборов

Тошкент – 2014

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Бадий адабиётда образ ва образлилик ҳақидаги назарий қарашлар.....	9
“Ит” образининг генезиси ва талқинлардаги ўзига хослик.....	18
“Ит” образининг Навоийга хос талқини.....	34
Хулоса.....	47
Фойдаланилган адабиётлар.....	49

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Адабиёт Чўлпон таъбири билан айтганда калбимизнинг кирларини ювадиган, тоза маърифат сувидир. Унинг хизматлари натижасида кишилар юксак маънавиятга эришади.

Шундай асарлар борки, йиллар силсиласи унинг қимматини ошириб, тобора инсонларни ўз атрофида бирлаштиришга хизмат қилади. Умуминсоний ғояларни ўз бағрига сингдиради, ҳар дамда чигал муаммоларни ечишда энг муҳим восита бўла олади.

Навоий асарларини мутолаа қилиш қалбларга зиё бахш этиб, уларни завқ-шавққа тўлдиришга хизмат қилади. Мустақиллигимиз шарофати ила миллий-маданий меросимизга ва уни асраб-авайлашга қаратилаётган давлат сиёсати даражасидаги эътибор натижасида ул зотнинг асарлари ҳеч бир сиёсий талқинларсиз адабиёт – руҳнинг тарбиячиси нуқтаи назаридан баҳо берилди ҳамда тўлиқ шаклда, ҳеч бир қисқартиришларсиз ўқувчилар ҳукмига ҳавола этила бошланди. Демакки, қачонлардир Гёте томонидан айтилган “Сиёсат, реалистик адабиёт ва санъатдаги гўзалликни ўлдиради” деган ҳикмат бугунги кунда аҳамиятли ҳодисалардан бири сифатида қаралиб, адабиёт адабиёт учун, адабиёт инсоннинг руҳий қуввати учун деган қарашлар замрдаўз кучини кўрсатиб бормоқда. Агар биз Навоий даҳосининг сиймоси, ижоди ва унинг маънавий қудрати ҳақида сўз юритувчи мақолаларга назар соладиган бўлсак, уларда ифода этилган фикрлар, ҳулосаларда айнан мавзуўрганилишининг долзарб жиҳатлари акс этганини кўрамиз.¹

Президентимиз Ислам Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” номласарларида Навоий Ҳазратларига алоҳида тўхталиб юксак баҳо берганлар.

Ушбу сиймо ҳақида шундай фикрларни билдириб ўтадилар: “Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан кам топилади. Она тилига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги буюклигини англаш туйғуси ҳам

¹ Жаҳон ичра тенгсиз жаҳоним, // Тафаккур, 1, 2001// , Б 64-87.

бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга, аввало, Навоий асарлари билан кириб келади. Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз.”² Демак, маънавий бўҳронлар, ҳар турли “маънавият” ва “маданият”лар таҳдид солаётган айна замонда қалбларни умуминсоний ғояларни ўзида жо этган маънавият заҳираси билан таништириш, унинг дурларини қалб қўрига маржон қилиб тизиб қўйиш уларни бу каби оғуларга иммунитет ҳосил этишида муҳим рол ўйнашини кўрсатади. Бу каби маънавиятимизни юксалтиришдаги бекиёс хизматини 2014- йил 15-майда Самарқандда бўлиб ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги ўрни” мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференцияда Президентимиз Ислом Каримов Навоий ҳазратларини нафақат, Ўрта Осиё, балки бошқа қитъалар илм-фани ривожланишида ҳам муҳим аҳамият касб этишларини таъкидлаб ўтганлар.³ Юқорида келтирилган маълумотларнинг барчаси Навоий ижоди, ўрганилиш аҳамияти нақадар муҳим манбалардан бири эканлигини кўрсатиб беради.

Навоийнинг образ яратиш ва унга маъно гулдастасини тақиб қўйиш маҳорати барча олимлар томонидан тан олиниб келинган. Худди шу маънода унинг деярли ҳар бир асарида, у дostonми ёхуд фард жанридаги асарми – барчасида гўзал образ ё образлар тизимини учратишимиз мумкин.

Навоий асарларининг бу жиҳати гарчанд бир неча маротаба ўрганиб, диссертациялар ёзилган бўлсада, ҳали ҳамон ўрганилишга эҳтиёж сезилади. Чунки Навоий асарларининг маъно кўлами шу қадар кенгки, ўнлаб яратилган диссертациялар ва балки юзлаб битилган мақолалар унинг мазмун-моҳиятини тўла ёритиб бера олмайди. Шундай образлардан бири Навоийнинг асарларидаги, жумладан “Бадоеу-л-бидоя” девонидаги “ИТ”

² Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч, Т.: “Маънавият”, – 2009.

³ Зиёдинов М., Жонихонов М. Аждодларимизнинг бебаҳо мероси – абадиётга дахлдор маънавий хазинадир. // Халқ сўзи 2014-йил 16-май//

образидир. Мавзу деярли ўрганилмаган бўлиб, унинг қандай мазмун англатишига доир фикрлар баъзи мақолаларда, ғазаллар таҳлиллари орасида бериб ўтиш билан кифояланган, холос.

Шу ўринда айтиш керакки, Навоийнинг “Бадоеу-л-бидоя” девонининг ўзидаёқ 70 тача ўринда келтирилган ушбу образ чуқур мазмун ифода этган бўлиб, унинг ўрганилиши маъносини англашга бўлган ҳаракат ғазалларнинг моҳиятини янада чуқурроқ англашга ёрдам беради.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ҳар бир миллатнинг маънавиятини, тафаккур даражасини кўрсатувчи сиймолари бўлади. Бу каби зотлар асарларида ифода этилган мазмун ва ғоялар кўлами кўпчилик ҳолларда барчанинг ҳайратига сабаб бўлади. Ҳайратларни юзага келтирувчи омил, албатта, образ билан боғлиқ бўлади. Образ ва образлилик ҳақида ўзбек адабиётшунослигида жуда кўплаб ишлар қилинган. Ботирхон Акрамов, Ҳотам Умуров, Тўхта Бобоев, Дилмурод Қуроно⁴ каби олимлар бу тушунчага атрофлича тўхталиб, уни турли томондан изоҳлаганлар.

Образ ва образлилик ҳақида, хусусан, Навоий асарларидаги образлар тизими тўғрисида минглаб мақолалар, илмий тадқиқотлар яратилган. Қайсики ғазал шарҳини ўқиманг унда образларга у ёки бу маънода фикр билдирилиб, изоҳланганига гувоҳ бўласиз. Навоийнинг “Бадоеу-л-бидоя” девони бўйича илмий тадқиқот олиб борган олимлардан Дилором Салоҳий, Каромат Муллаҳўжаева ҳамда Насиба Бозорова, Эшонқулов Ҳусниддинларни⁵ алоҳида таъкидлаш жоиз. Илмий тадқиқотларнинг асосий йўналиши сифатида ушбу олимлар “Бадоеу-л-бидоя”нинг бадиий ғоявий тизими, бадиий санъатларнинг моҳирона тарзда қўллангани ва шу қаторда

⁴ Акрамов Б., Шеърят гавҳари, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, – Т.: 1979, –169 б. Умуров Ҳ. Адабиётшунослик назарияси. Олий ўқув юртлари учун дарслик, – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004, 264 б. Бобоев Т. Адабиёт асослари Олий ўқув юртлари учун дарслик, – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2001, – 560 б. Қуроно Д, Адабиётшуносликка кириш, Олий ўқув юртлари учун дарслик, – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004, – 224 б.

⁵ Салоҳий Д., Алишер Навоий поэтик услубининг тадрижий тақомили, ф. ф. д. даражасини олиш учун диссертация, Т.: – 2001. Салоҳий Д., Бадоеу-л-бидоя малоҳати, Т.: “Фан”, –2004, Бозорова Н., Алишер Навоий ғазалларида кўнгил образи, ф. ф. н. даражасини олиш учун диссертация, Т.: – 2002, Муллаҳўжаева К., Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуфий тимсол ва бадиий санъатлар уйғунлиги, ф. ф. н. даражасини олиш учун диссертация, Т.: – 2005. Эшонқулов Ҳ., Алишер Навоий шеъриятида самовий тимсоллар, ф. ф. н. олиш учун, Самарқанд: – 1999,

образларга алоҳида тўхталиб, уларни атрофлича таҳлил этганини кўрамиз. “Ит” образи адабиётшунослигимизда алоҳида мавзу сифатида шу кунгача ўрганилмаган. Аммо шундай бўлса-да, баъзи диссертация⁶ларда, китоб⁷ ва мақола⁸ларда бир назар ташланган ўринлар учрайди.

Ишнинг мақсади. Ишнинг мақсади аввало, Ит образининг генезисини аниқлаш, маъно нозикликларини тадқиқ этишдан иборат. Ва шу асосда Алишер Навоийнинг “Бадоеу-л-бидоя” девонидаги ИТ образининг қўлланилиши даражаси ва мазмунини таҳлил этишдан иборатдир.

Ишнинг вазифалари. Ишнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифаларни белгилаб олишимиз мумкин:

Адабиётшуносликда образ тимсол ва рамз истилоҳига оид айрим қарашлар хусусида ва улар ҳақидаги мулоҳазаларга айрим фикрларни бериб ўтиш.

Ит образининг генезиси ҳамда у англатган маънони тадқиқ этиш (Халқ оғзаки ижоди ва Муборак манбаларда акс этган маъноларига тўхталиш).

Тасаввуф адабиётида қўлланган мазмуни хусусида тўхталиб ўтиш ва Навоийгача даврда яшаган сўфийлар, шоирлар ижодида бу образнинг қўлланилиш даражаси ва унинг маъно қўламини аниқлаш; (Хусусан, Тариқат пешволари Жалолиддин Румий, Нажмиддин Кубро каби сиймолари ҳаёти ва ижодида ит образига оид баъзи чизгиларга тўхталиш ҳамда Навоийнинг салафлари Атоий, Лутфий ижодида қўлланган ит образининг англатган мазмунини аниқлаш).

Навоий асарларида, хусусан, “Бадоеу-л-бидоя” девонида қўлланган ит образининг қўлланилиши ва унинг маъно нозикликларни аниқлаш.

Навоийнинг ит образини қўллашида ўзига хослигини кўрсатиб бериш.

⁶ Жабборов Н. Фурқат ; Абдушукуров Б. XI- XIV аср туркий ёзма манбалар тилидаги зоонимлар, ф.ф.н. олиш учун дисс. Тошкент, 1998.

⁷ Жумахўжаев Н. Сатрлар силсиласидаги сеҳр, Тошкент, 1996-йил. Ҳаққул И. Ирфон ва идрок, Тошкент, 1998-йил.

⁸ Давлатов О. Ажаб йўқ одабийликни унутсанг, //Ўзбекистон адабиёти ва санъати//, 2012-йил 30-ноябр.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқотнинг асосий мазмуни ва натижалари талаба томонидан илмий тўпламларда эълон қилинган 2 та мақолада ўз ифодасини топган.

Ишнинг объекти ва предмети. Ишнинг объекти Алишер Навоийнинг 20 жилдлик Мукаммал асарлар тўплами биринчи жилди асосида (1987-йил). Ишнинг предмети девонда келтирилган ит образи тадқиқи.

Ишнинг таркиби. Битирув малакавий иши кириш, учта боб , хулоса ва адабиётлар рўйхати, иловадан иборат.

Ишнинг амалий аҳамияти. Ишнинг натижаларидан БМИ ва магистрлик диссертациялари тайёрлашда, кинология марказларида мутахассислар тайёрлашда ҳамда академик лицей ва касб хунар коллежларида Навоий ижодини ўрганишда фойдаланиш мумкин.

ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИДА ОБРАЗ ВА ОБРАЗЛИЛИК ИСТИЛОҲИГА ОИД НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР

Бадиий асарнинг гўзаллигини, жозибаси ва таъсирчанлигини кўрсатиб берувчи образ ва образлилик тушунчалари бадиий таҳлил жараёнида муҳим омил сифатида қаралади. Асарнинг жонлилигини таъминлаб, тасвирларнинг тушунилишини осонлаштиришга хизмат қилади. Асарнинг қимматини оширади. Англамсиз туйғуларнинг моддийлигини таъминлайди. Ўқувчини ишонтиришнинг, ўзбоғлаб олишнинг асосий усулларида биридир.

Биз ёзувчи ижодига баҳо беришимизда асарнинг поэтик қиммати алоҳида ҳисобга олинади. Бунда образ муҳим аҳамият касб этади.

Гарчи бу мавзуга кўп тўхталинган эса-да, ҳали ҳамон ўз долзарблигини сақлаб келмоқда. Кўпчилик олимлар ушбу истилоҳга тўхталиб, алоҳида китоблар чоп эттирилгани бунинг далилидир. Образ ва образлилик нима? Улар орасидаги фарқли жиҳатлар нималардан иборат деган савол туғилади.

Аввало, образлилик ҳақида гапирадиган бўлсак, у ҳиссиёт билан боғлиқ тушунча бўлиб, шу жиҳатдан пафосга яқин туради.

Образлилик тушунчаси табиат ҳодисалари, наботот, ҳайвонот ва, ҳаттоки, жонсиз нарсаларни ҳаракатга келтириш ёхуд сўзлатиш натижасида янгича мазмунга эга бўлган ҳодисалар йиғиндиси сфадаюзага келади. Образлилик умуман олганда бадиийлик демакдир. У орқали ижодкор ўзи ифодаламакчи бўлган фикрни ўқувчига худди видео тасмасига туширилган лавҳадек жонли тарзда етказа олиш имкониятини қўлга киритади. Бу тушунча яхлит асарни қамраб олиши билан характерланади.

Образ нисбатан торроқ мазмунга эга бўлиб, асосан, инсоннинг характер хусусиятини ўхшатишлар орқали ифода этиш вазифасини бажаради. Образ тушунчаси ҳақидаги қарашлар ўзбек адабиётшунослигида кенг қўламда ўрганилган бўлиб, бу ҳақида бир қатор назариячи олимлар ўз фикрларини билдириб ўтган. Бобоевнинг фикрича, адабиёт назарияси китобларида

тимсол сўзи билан эквивалент тарзда қўлланилиб келинадиган образ атамаси биринчи марта Гегел томонидан фанга киритилган экан.⁹

Ушбу тушунча ҳақидаги қарашлар олимлар томонидан турлича талқин этилади. Ҳотам Умуров ўзининг “Адабиётшуносликка кириш” китобида “образ” атамасига қуйидагича таъриф беради. “Образ деганда инсон онгида инъикос этилган воқеа-ҳодисаларгина эмас, балки шу билан бирга сўз воситасида санъаткор томонидан англланган, қайта ишланган ва тасвирланган ҳаёт тушунилади.”¹⁰ дейилади. Дилмурод Қуронови маълумот беришича, “Бадиий образ борлиқнинг бадиий асардаги акси. Бирор бадиий образ ўша борлиқнинг оддийгина акси эмас, йўқ, борлиқнинг санъаткор кўзи билан кўрилган ва идеал асосида ижодий қайта ишланган аксидир”.¹¹ Н. Хатамов, Б. Саримсоқовнинг “Русча-ўзбекча адабиётшунослик терминлар луғати” китобида образ тушунчасига қуйидагича “Санъат ва адабиётдаги образ воқеъликни конкрет шахс тафаккури, ҳиссий олами призмасидан ўтиб, унинг қайтадан бойитилган ҳолатдаги тикланиши; жонланишдан иборатдир” дея таъриф беради. Юқорида келтирилган маълумотларни умумлаштирган ҳолда битта таъриф сифатида олганимизда тўлиқроқ акс эттира оламиз, назаримда. Демак, образ деганда, бадиий асарнинг ғоясини ташишга хизмат қилувчи ёки ижодкор қалби ҳис-туйғу, кайфият, фикр ва қарашларини ўзида акс эттирувчи бадиий воситадир. Турли хил фикр ва қарашлар ҳатто образ сўзининг луғавий маъноси ва этимологияси ҳақидаги фикрларда ҳам ўз аксини топади. Масалан: Дилмурод Қуროнов “образ сўзини рус тилидан олинган бўлиб, “акс” деган маънони англатади”¹² деса, Ҳотам Умуров образ атамасининг луғавий маъносига ўзгача таъриф келтиради: ““Образ” атамаси “раз” (“чизик”) сўзидан олинган бўлиб, “раз” сўзидан “разит” (“чизмоқ, йўнмоқ, ўймоқ”) ва ундан “образить” (“чизиб, ўйиб, йўниб шакл айтиш мумкинки, ясамоқ”) сўзи ясалган. “Образить”дан “образ” (“умуман олинган

⁹ Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2001. Б 51.

¹⁰ Умуров Ҳ. Адабиётшунослик назарияси. – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004. Б 32..

¹¹ Qurunov D. Adabiyotshunoslikka kirish. – Т.: А. Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 2004-yil. Б 63.

¹² Qurunov D. Adabiyotshunoslikka kirish. – Т.: А. Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 2004-yil. Б 63.

тасвир”) вужудга келган.¹³” деган таърифлар келтирилади. Агар образ сўзининг луғавий маъносини луғатдан олиб қарасак, “образ” сўзининг маъноси “кўриниш, қиёфа, афт, башара, шакл, тасаввурдаги кўриниш, сиймо” , яна бир маъноси “икона”¹⁴ деган мазмунни ифода этади. В. Белинский санъат ва адабиётда образ дейилганда инсон эътиборга олиншини таъкидлар экан, «Табиат санъатнинг тимсолидир, лекин ундаги энг олий предмет эса, албатта, инсон ҳисобланмоғи керак», дейди. Чунки инсон санъат ва адабиётнинг асосий таъсир воситаси эканлиги ҳақиқатдир. Жумладан, асосий қаҳрамонлари ҳайвонлар бўлган масалларда ҳам одамларнинг ҳаракат-ҳолатлари рамз (символ)лантирилади.

Образ тушунчаси ҳақидаги қарашлар Ботирхон Акрамовнинг “Ҳозирги ўзбек адабиётида образ муаммос” деб номланган докторлик диссертациясида муҳим аҳамиятга эгадир. I боб бевосита образлар масаласига қаратилган бўлиб, унда образ тушунчасига чуқур тўхталиб ўтади.

Шунингдек, бадиий образ дейилганда инсон билан биргаликда ижодкор қўллаган ифодалар, кўчма маъно берувчи сўз, иборалар ҳам тушунилади.

Бадиий образ терминини асарда қўлланган бадиий воситалар (ўхшатиш, сифатлаш, муболаға каби)га нисбатан ҳам ишлатиш мумкин. Шунингдек муайян даврга хос манзараларни қабарик, таъсирчан ҳолда гавдалантиришга нисбатан ҳам «бу асарда даврнинг ўзига хос образи гавдалантирилган» дейиш ҳам мумкин. Бундан англашиладики, бадиий образнинг икки муҳим хусусияти мавжуд. Биринчидан, образда ҳодисаларнинг муҳим хусусиятлари умумлаштирилган бўлади. Иккинчидан, унда муайян аниқлик (якка ҳодиса, алоҳида бир одам) аксланган бўлади. Демак образ ҳам умумлашган, ҳам индивидуаллашган хусусиятни ўзида гавдалантирган ҳодисадир. Аён бўладики, бадиий образ борлик

¹³ Умуров Ҳ. Адабиётшунослик назарияси. – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004. Б 33.

¹⁴ Ақобиров С., Магруппов З. М., Маматов Н. М. Русско- узбекский словарь. В 2-х т.— Т.: Главная редакция УзСЭ, 1983. – т. I. А—О, 808 с.

ходисаларининг шунчаки нусхаси эмас. Бадиий образ, аввало, ижодкорнинг кашфиёти, унинг ижодий меҳнати махсулидир. Ижодкор образ яратиш учун ўзича изланади. Унинг бу ишига четдан ёрдам кўрсатиб ёки ҳашар қилиб бўлмайди. Бадиий образ яратиш ҳар бир ижодкорнинг ўз иши. У бу иш жараёнида ўз ҳаёлотини, ақл-тафаккурига таянади. У ўзича нималарнидир тўқийди, ҳаёлида турли-туман манзаралар чизади.

Бадиий асарнинг таъсирчан, жозибали чиқишини таъминлаш учун ҳар бир ижодкор, албатта, бадиий тўқимадан фойдаланади. Бадиий тўқима образнинг ички-ташқи қиёфаси, мақсад, интилишларини намоён етувчи воқеаларни ўйлаб топишдир. Бадиий тўқима образнинг қиёфасини ёрқин ифода етганидек асардаги воқеаларнинг қизиқарлилигини таъминлайдиган асос, пойдевор ҳамдир. Чунки бадиий тўқима ижодкорга мавжуд воқъалиқни аслидагидан кўра кескинроқ, шиддатлироқ, қизиқарлироқ кўрсатиш имконини беради.

XX асргача бўлган даврда образ тушунчаси ўрнида, “тимсол” истилоҳи кенг истеъмолда бўлган. Бугунги кунда ҳам “тимсол” тушунчаси кўпгина олимлар томонида (бу ҳолат мумтоз адабиёт намуналари устида иш олиб боровчи илм аҳли нутқида кўп учрайди.) образ атамасининг эквиваленти сифатида қўлланса-да, баъзи олимлар буни инкор этиб “тимсол” тушунчаси жаҳон назариясида қўлланиладиган истилоҳлардан “символ”га тўғри келишини эътироф этишади. Шундай бўлса-да, агар биз сўзнинг луғавий маъносидан келиб чиққан ҳолда атаманинг маъносини қабул қилсак, бунда ҳар иккала сўз ҳам бир хил мазмунда қўлланишига гувоҳ бўламиз. “Тимсол” арабча сўздан олинган бўлиб, “хайкалтарошлик асари”, “ёдгорлик”, “хайкал”¹⁵ деган маънони ифода этади.

Хотам Умурувнинг маълумотларини нисбатан асосли эканлигини тасдиқлаган ҳолда айтиш мумкинки, “тимсол ” ва “образ” истилоҳлари ўриндош сифатида қўлланиши мумкин. Тимсолнинг эквиваленти сифатида қўлланиладиган “символ” атамасининг луғавий маъноси ўзбек тилида рамз

¹⁵ Баранов Арабское- русское словарь. Русский язык. Москва: – 1985. С 741.

тушунчасига тўғри келиши маълум бўлади.¹⁶ Дилором Ҳамроева “Ўзбек тили ва адабиёти” журналида эълон қилинган “Образ, тимсол ва рамз” номли мақоласида образ, тимсол ва рамз тушунчаларига атрофлича тўхталиб, уларнинг бир-бирдан фарқини тушунтиришга ҳаракат қилган. У буни қуйидагича изоҳлашга ҳаракат қилади: “шоир кечинмаларини, асосан, ошиқ тилидан маъшука, рақиб, дўст образлари воситасида очиқ беради. Поэтик тимсол ва рамзлар ижодкорнинг ўзи яратаётган образга муносабатини ҳам ифодалаб, шеъриятда образ билан тенгма тенг хизмат қилади”¹⁷. Замонавий адабиёт намуналаридан фарқли равишда, мумтоз адабиётда образлар кенг қўлланми бўлиб, уларнинг аксарияти тасаввуфий маъно-мазмун касб этган ҳолда қўлланади. Тасаввуфда қўлланадиган образлар тизими Ҳаққа бўлган ишқни у ёки бу маънода ифода этишни мақсад қилади.

Бадиий образнинг бир қанча хусусиятлари мавжуд. Умумлашма хусусияти дейилганда, ёзувчи образлар яратиш жараёнида юзлаб-минглаб инсонларнинг характер хусусиятларини жамлаб олишини назарда тутди. Масалан, мумтоз адабиётда яратилган ошиқ, рақиб каби етакчи; булбул, парвона, шам сингари бир қанча рамзий образлар яратилишида ҳам барча ошиқларнинг барчаси учун умумий бўлган белгилари келтирилади. Масалан, ошиқ образини яратиш жараёнида барча ижодкорлар маъшуқанинг ҳажрида қуйиб адо бўлаётган эса-да, ҳамон унга интилувчи сифатида тасвир этилади. ошиқлар дейилганда, умумлашма жиҳатларини тасаввур этамиз. Фикримиз қуруқ бўлмасин учун қуйидаги мисолни келтирамыз:

Булбул не куймасунки, бир ўт ёқти қасдиға

Ҳар оташин гул ушбу вафосиз чаман аро.

Бу мисраларда лирик қаҳрамон гарчи ўзининг ҳолатини ифода этмоқни мақсад этган бўлса-да, бунда барча маъшуқаларга хос вафосизлик, азоб бериш хусусиятлари бир чизик атрофига бирлаштирилади. Ошиқ гарчи

¹⁶ Ақобиров С., Магруппов З. М., Маматов Н. М. Русско- узбекский словарь. В 2-х т.— Т.: Главная редакция УзСЭ, 1983. — т. II. С—Я, С 417.

¹⁷ Ҳамроева Д. Образ, тимсол ва рамз, // Ўзбек тили ва адабиёти//, Т.: 2008, 4-сон. Б. 72-75.

ёрининг вафосилигидан ёзғирса ҳам, унинг учун ҳар нарса қилишга тайёрлиги, вафо кутмаслиги барча ошиқларга хос хислат сифатида образнинг умумлаша эканини кўрсатади.

Бадий образнинг иккинчи хусусияти конкретлиги ва индивидуалигидир. Бунда образнинг жонлиги, ҳаётга яқинлиги таъминланади. Ўқувчи туйғуларига таъсир этиб, унга эстетик завқ беришга хизмат қилади. Индивидуаллаштириш натижасида асар қаҳрамони реал ҳаётга яқинлаштирилади. Ишонарлиги таъминланади.

Қай пари пайкарга дерсан телба бўлдинг бу сифат,

Эй пари пайкар, не қилсанг қил, санга бўлдим санга.

Ушбу мисраларда гарчи бирор-бир образнинг номи учрамаса-да, маъшуканинг шўх-шаддод, зарофатли табиатга эга эканлигини англаймиз. Ошиқнинг ҳолати ишқ ўти адо қилганлиги, ҳоли мадори деярга сўзи қолмагани тасвир этилган. Бу каби ёрқин тасвирлар образларни жонли ҳаётга яқинлаштиради. Ўзига хос характер хусусиятларининг ифода этилиши образнинг туйғуларга таъсирини, оширишга хизмат қилади. Образнинг айна шу хусусиятлари конкретлигини ва индивидуаллигини кўрсатади.

Образларнинг конкретлиги ва индивидуаллиги ҳаётнинг ранг баранглиги ва турли туманлиги натижасида юзага келган ҳодиса саналади. Гарчи мумтоз адабиётда энг кўп қўлланадиган ошиқ образида мақсад битта йўналишга қаратилган эса-да уларнинг табиати, руҳияти, кечинмалари ва ҳатто интилиш йўллари турли туман ҳолатда ифода этилади. Натижада, образларни таҳлил этганмизда, алоҳида шахс сифатида қабул қиламиз.

учнхусусият сифатида бадий образнинг тузилишида тўқима қизиқарлигини таъминловчи муҳим элементлардан бири ҳисобланади. Бадий тўқима гарчанд муайян замон ва маконда содир бўлса-да, кўпчилик ҳолларда ҳаётдан айнан олинмай, ижодкорнинг идеали, тасаввури ва дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда инсон образини яратиш маҳоратидан юзага келади. Бундай образлар, асосан, мумтоз адабиётда дoston (“Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин”, “Саббаи Сайёр”, “Садди Искандарий”)

жанрида, айниқса, кўзга ташланади. Бу ҳақидаги фикрлар олимларнинг қатор мақолаларида келтириб ўтилган.

Бадиий образнинг эстетик таъсирчанлиги дейилганда, ўқиш ва таҳлил жараёнида ўқувчида уйғонган ҳиссиёт ва кайфият назарда тутилади. Зеро, бадиий асарнинг муҳим вазифаларидан бири ҳам ўқувчисига эстетик завқ уйғотишдан иборатдир. Рух тарбияси ҳиссиётларга таъсир этишдан бошланади. Бунда биз ижобий деб қабул қилган образлардан завқ олиб, уларга ҳавас билан қарасак, салбий образларга нисбатан нафрат туйғусини қалбимиздан ўтказамиз. Масалан: шеърятда қўлланадиган ошиқ образи ўқувчида ҳавас ўйғотишга хизмат қилса, унга қарама-қарши ифодаланган рақиб образининг унга берадиган озорлари баъзан нафрат туйғуси шаклида намоён бўлади. Демак шу ўринда, биз айтмоқчи бўлган образ хусусиятининг эстетик томони юзага келади. Бобоевнинг фикрига кўра, образ “Минг хил жараёнлар натижасида конвейрдан чиқадиган машина каби образ ҳам аниқ ва ёрқин, тугалланган фикрлашнинг натижаси сифатида мураккаб жараёнлар асосида юзага келади”¹⁸

Назариячи олим Дилмурод Қуронов образнинг метофорик хусусиятини ҳам келтиради. Бу мумтоз адабиётда рамзий образлар тизими терминига тўғри келади. Бу хусусият бир нарсанинг моҳиятни иккинчи нарса орқали очиши билан характерланади. Ўқувчи асарни қабул қилиш жараёнида ўзи учун янгидан янги маънолар шодасини ўзи учун кашф этади.

Чу бўлмас шамъсиз парвонаву гул бирладур булбул,

Фироқ ўртар кўнгулни чун кўрар васл ичра амсолин.

Мазмуни: Васл ичра Шамсиз парвона бўлмаганидек, гул билан булбул бирга бўлгани сингари фироқ кўнгилни ўртайди. Ошиқ шу тарзда дил розларини изҳор этади. Бунда гул ёки шам, парвона ёхуд булбул рамзий образлари метофорик хусусиятни ўзида акс эттирган бўлиб, мазмунни ифода этишга қатма-қат кириб борилади.

¹⁸ Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2001. Б 41.


Ушбу образларнинг метофорик хусусиятида рамзийлик алоҳида ўрин касб этади. Ўз маъносида тушунилмасдан маъшуқа, яна ҳам чуқурроқ маънода Ҳақ тимсолини ифода этади.

Тасаввуф адабиётида образлар икки хил босқичда қабул қилинади. Улар шартли равишда етакчи ва рамзий образларга бўлинади.


Етакчи образлар тизими маъноси нисбатан юзароқда бўлиб, уларнинг англаниши осонроқ кечади.

Ошиқ, маъшуқа, рақиб, соқий, зоҳид каби қатор атамалар етакчи образларни ташкил этади.

Рамзий образлар фарқли равишда сўзда фодаланганмазмуннинг қатқатига чуқур сингдирилган тарзда ифода этилади. Уни шундай чизмада бериш мумкин бўлади, назаримизда.



Масалан, гул образини рамзий образ сифатида чизмага қуйидагича жойлаштириш мумкин:



Хулоса қилиб айтганда, образ атамаси адабиётнинг муҳим тушунчаларидан бири бўлиб, у туйғуларнинг қалблардан қалбларга кўчишини таъминлайдигин асосий тушунчаларидандир. Биз улар воситасида қалбимиздаги англамсиз ҳиссиётларимизни тушуна оламиз.

Адабиёт асли вазифаларидан бири руҳиятни тарбиялашдир. Бу образлар орқали амалга оширилгани сабабли ҳам унинг ўрни беқиёсдир. Мажозий образлар ғояни қатма-қат тарзда ифодалаб, асарнинг гўзаллигини таъминлайди. Ўқувчида янада ёрқинроқ, мустаҳкамроқ таассуротни пайдо

қилишга хизмат қилади. Образларнинг хилма-хиллиги ва мазмуннинг чуқурлиги бадиий адабиётда ғояларнинг гўзал, таъсирчан, қалбларга йўл топадиган тарзда ифода этилишини таъминлайди.

Бадиий адабиётда образ атамасининг ўрни ва мазмун моҳияти шу ўринда яққол кўзга ташланади. Образ ёзувчи ҳис туйғуларини жилолантириб, худди кўп қиррали олмос сингари товлантириб акс эттиради. Бунда рамзий образларнинг ўрни беқиёсдир.

**НАВОИЙГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА ИТ ОБРАЗИНИНГ
ТАДРИЖИЙ ТАРАҚҚИЁТИ**

Бадиий адабиёт қачон пайдо бўлган деган саволга ҳеч ким аниқ, исботланган тарзда жавоб бера олмайди, унинг туб илдизлари Одам Ато яратилган замонларга бориб тақалиши тахмин этилади, холос. Бунга сабаб килиниб, ўғли Ҳобилга айтилган марсияси кўрсатилади. Демакки, бадиий адабиётнинг ёши инсоният ёшига тенг экан. Ўша замонлардан буён адабиётга хос унсурлар такомиллашиб, ривожланиб, янгидан янги тур ва жанрлар, бадиий санъатлар ва образлар юзага кела борди.

Образлар силсиласи давр ўтгани сари такомиллашиб, тўлдирилиб борилади. XI асргача бўлган даврда, токи ислом дини ёйилиб, унинг натижаси ўлароқ тасаввуф адабиёти кириб келгангача бўлган даврда образлар халқ оғзаки ижодидан озиқланган ҳолда ривожлана борган. Кейинги даврларда тасаввуф адабиётининг кенг тарқалиши образларнинг мазмунини қават-қават бўлиши учун замин яратди. Энди деярли ўхшаш образлардан янгича кўринишдаги мозаикалар яратиш мусобақаси қизгин кеча борди. Бунинг яққол мисолини хамсачилик тарихидан кўришимиз мумкин.

Барчамизга маълумки, мумтоз адабиёт даври шеъриятида образлар деярли бир-бирини такрорлаш хусусиятига эгадир. Аммо шундай бўлса-да, унда шунчаки такрорланмасдан янгича ракурсларда тасвир этилади, яъни борган сари кўпроқ юк ортилганига гувоҳ бўламиз.

Бу бадиий адабиётнинг такомиллини юқорига кўтарилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бу каби образлар жуда ҳам кўп сонлидир.

Шундай образлардан бири “ит” образидир. Унинг англатадиган маънолари хусусида Дилрабо Мингбоева қуйидагича маълумот беради: “Ит садоқатнинг мужассами сифатида намоён бўлади. Бироқ тимсолнинг рамзий маъноси бу билан тугамайди. Марҳумларнинг жонлари қадимги юнон асотириларида итлар кўринишида тасаввур этилади; улар шарпалар ҳукмдори Гекатани унинг тунги овида кузатиб боришган. Аид дарвозасининг кўриқчиси учбошли ит Цербер ҳисобланган; эронийлар – қасос маъбудлари, кўпинча ит қиёфасига кирганлар, (“Илиада”га қаранг: “Тақдир томонидан

туширилган лаънати итларни ҳайдамоқ керак”). Ўрта асрларда итлар – динсизлар мужассами: “Зеро, динсизни ҳақли равишда ана шу ҳайвон билан қиёслаш мумкин”. Итлар жин-ажиналар билан боғланган (антик анъанага мувофиқ); қора ит иблис рамзи бўлган (масалан, Гётенинг “Фауст” асарида). Бироқ итлар – чўпонларнинг ёдамчилари ҳамдир, улар подани қўриқлашади ва йўлини белгилаб турадилар, айти шу нуқтаи назардан ит тимсоли руҳоний мажозий сифатида талқин этилиши мумкин. Православияда мазкур маъно мустаҳкам ўрин олмаган, чунки шарқий славянларда ит паст мавжудот ҳисобланган; хизматкорлар ва қуллар анъанага кўра итларга ўхшатишган. Рус халқ оғзаки ижодида ҳам бу ҳайвонга салбий маъно берилган.

Ит шарқ шеърлятида анъанавий рамзий образлардан бири бўлиб, у гоҳ ошиқ билан маъшукани боғлаб турувчи, гоҳ ошиқ билан маъшуқа висолига раҳна солувчи бадиий восита сифатида талқин этилади. Табиий савол туғилади. Нега ит? Бошқа жонивор эмас, масалан, от, мушук ва ҳ.к. Агар биз итнинг асли вазифасини ҳисобга олиб таҳлил қилсак, масала, осонгина ойдинлашади. У, одатда, уйда қўриқчилик вазифасини бажаради ва шу сабабдан асралади. Ҳатто, Ҳадиси Шарифда ҳам, итларни овчилик ва қўриқчилик учун боқишга руҳсат берилади. Бошқа мақсадда боқиш эса динда қораланади. Демакки, ҳар доим ошиқ ва маъшуқа ўртасида пайдо бўлишининг асл сабаби ҳам шундан. Маъшуканинг қўриқчиси ошиқ йўлига ғов бўлиши табиий. Яъни тасаввуфий маънода мазмун бироз бошқачароқ талқин этилади. Ишққа етиши тариқида нафс, чиркин истаклар инсон учун энг катта душман вазифасини ўтайди. Зеро, сўфийлик адабиётида “Ўзини топган, Раббини танир” мазмунидаги ибора ушбу образни англашда янада ёрқинроқ кўринишни юзага келтиради.

Маъшуқа итига ошиқнинг илтифот кўрсатиши, у билан яқин бўлишга интилишдан илинж висолга етишишдир. ИТ образининг рақиб тимсоли, ботиний маънода эса нафс тимсоли бўлиб келишига сабаб Оллоҳнинг висолига етишишда ҳар доим ит – рақиб – нафс тўсқинлик қилиб туради. Шу сабабдан нафс мажозий тарзда итга қиёс этилади.

Тасаввуф адабиётида эса ит вафо, садоқат ва фидоийлик тимсоли сифатида улуғланган.”¹⁹ Ит образининг бу каби маънолари бадий асарни тадқиқ этишда самарали ёрдам беради. Бунда ташқари жаҳон адабиётида истемолда бўлган бу образ кўп тармоқли мазмун ташийд.

Агар биз унинг генезисига эътибор қаратадигин бўлсак, ўзбек адабиётида илк илдизлари, бошқа кўпчилик образлар сингари, халқ оғзаки ижодида акс этганига гувоҳ бўламиз. Айниқса, мақол жанрида унга кўп тўхталинганини кўрамиз. Изланишлар жараёнида биргина мақол жанрида 100 дан ортиқ ўринларда мурожаат этилган. Масалан: “Ит эгасига суяниб хуради”, “Итимнинг боғи йўқ, егани қора чарос”, “Ит ҳам бўлсам, ит кўйлагим ортиқ” каби мақоллар, Халқ орасида “ит феъл”, “Шерикли ошни ит ичмас” каби иборалар ҳам ишлатилади. Таниқли адабиётшунос олим Жаббор Эшонкул “Ўзбек тили ва адабиёти” журналида эълон қилган “Туш семантикаси талқини” номли мақоласида “Ит” образининг талқини ва таъбирига тўхталиб ўтади. Олим бу образга халқнинг эътиқоди, дунёқараши ва турмуш тарзидан келиб чиққан ҳолда муносабат билдириши айтилади. Унга кўра ит образи икки хил маънода таъбир-талқин этилади: бири душман, туҳмат ва ёмонлик тимсоли бўлиб, у муайян бир халқнинг ҳаётида кечган ўзгаришлар натижаси деб баҳоланади. Марказий Осиёга ит образининг кириб келиш илдизларини олим дин билан боғлашга ҳаракат қилади ва халқимиз ҳаётида ижобий мазмун касб этганини исботлашга ҳаракат қилади: “Фикримизни Бароқ ит-қуш ҳақидаги афсона, “Одамтой”, “Эрмана мерган” ва бошқа бир қатор эртакларда итнинг қаҳрамонга ҳамкор дўст бўлиб келиши ҳам тасдиқлайди.”²⁰ дейилади мақолада.

Тасаввуф адабиётида ҳам бу образга кўп тўхталинган бўлиб, алоҳида тадқиқот талаб этади. Бунинг қадим илдизлари Қурони Каримга бориб тақалади. Ушбу муборак манбада келтирилган, Каҳф ва Аъроф сураларида айни итга тўхталинган ўринлар учрайди.

¹⁹ Мингбоева Д., Тимсоллар тилсими, Т.: “Янги аср авлоди”, – 2007, Б. 85.

²⁰ Эшонкул Ж. Туш семантикаси талқини, //Ўзбек тили ва адабиёти // 2001, 5-сон.

“Аъроф” суръасида “Оллоҳ берган илмни мол-дунё топиш учун бировларга зиён етказиш йўлида суъистеъмол қилган олимлар тиллари осилиб турадиган ҳансираб турадиган ит” ларга ўхшатилади.²¹

Бу ўринда ушбу тушунчанинг нафси ифода этганини кўриш мумкин. Негаки, барча ёвуз, совуқ ният, ўй-хаёллар ортида, албатта, нафс ётади. Зеро, бу тушунча биз билган моддият билан боғлиқ бўлган эҳтиёждан ортиқ ҳолат ва ҳодисаларни, балки маънавий дунёмизни ҳам талотум қиладиган, унга қутқу ва нотинчлик келтирадиган ҳаёл ва тафаккур билан боғлиқ бўлган нафсга хос мазмунни ҳам ифода этади. Салбийликни акс эттирувчи ушбу ўринда нафсга эргашишнинг энг биринчи қадами илмсизликдан келиб чиқиши таъкидланади. Яъни нафсининг қулига айланган кимсалар тасвири ва тақдири шу тарзда баён қилинади. Сўфийлик таълимотида нафси енгил муҳим масалалардан бири бўлиб, нафс қутқуси ҳар доим илоҳий ишққа етишишга тўсиқ бўлиб келган. Унда бутун чиркинликларга бурканган эҳтиёж фақат моддият билан боғлиқ бўлмай, маънан тубан кимсалар ҳам рамзий маънода ит дея таърифланади. Ҳадиси Шарифда ҳам нафсини тия олмасдан ортиқча еган киши мечкай итга тенглаштирилади.

Муборак манба Қуръони Каримнинг “Каҳф”²² сурасида, фарқли равишда, Ҳақ таолонинг қудрати ҳамда итнинг садоқат сифатлари тўғрисида гап кетади. Инсоният яралибдики, ишқ унинг ҳаётига мазмун, жозиба бахш этувчи омил сифатида қадрланган. Ва ҳар қандай ишқнинг гўзаллигини таъминловчи асосий унсурлардан бири вафо ит образи орқали тасвирланганини кўришимиз мумкин. Ит образининг кейинги даврлардаги ривож тасаввуф адабиётида асосан валийлар ҳаёти ва ижодига боғлиқ ибратли ҳикоятлар ҳамда ғоя ташувчи унсур сифатида аҳамиятга моликдир. Навоийнинг “Насойиму-л- муҳаббат” тазкирасида келтирилган бир қанча сўфийлар ҳақидаги маълумотларда бу образга тўхталинган кўплаб ўринлар мавжуд. Шулардан бири дамашқлик Абу Абулҳасан Аҳмад Абуҳаворий

²¹ <http://forum.ziyouz.com/index.php?topic=160.0>, Қурони Карим (Аловиддин Мансур таржимаси), Б 135.

²² <http://forum.ziyouz.com/index.php?topic=160.0>, Қурони Карим (Аловиддин Мансур таржимаси), Б 247.

қуддиса сирриху ҳақида ўз тазкирасида шундай деганини эслайдилар: “ Ул дебдурким, дунё мазбаледур, итлар мажмаи. Ва итдин ўксук ул кишики, андин йироқ бормас, нечунки хожатинки мазбаладин олур кетур ва ани севар киши ҳеч ҳол била андин айрилмас²³ ”

Мазмуни: дунё ахлатхонадир, итлар (у ерда) тўпланадиганлардир. Ва итдан тубан киши ундан узоқлашмас. Итлар нима эҳтиёжи бўлса, ахлатхонадан олади ва уни севадиган киши ҳам ҳеч қачон ундан йироқлашмайди.

Бу ўринда дунё дейилганда – нафс дунёси, ит эса нафсининг қулига айланган инсон образини ифода этган.

Абу Усмон Мағрибий қуддиса таоло сирруху шундай маълумот келтиради: Ул дебдурки, бу ишга кирмагимнинг ибтидоси ул эрдиким, бир итим бор эрди ва бу итим била Жазойирда овлаб юрур эрдим. Бир яғоч аёғим ҳам бор эрдики, онинг ичида сут солиб ичар эрдим. Бир кун маъхуд тариқи била ул аёғдин сут ичай, дедим. Ул ит кўп қичқириб, изтироб қилди. Аёғни ерга қўйдум. Яна бир дамдин, сўнгра ул аёғни олдим сут ичарга. Ул ит бу қатла кўпрак ҳуруб, манга ҳамла қилди. Яна ичмай ерга қўйдум. Учунчи қатла кўпрак ҳуруб, муфрит изтироб қилди. Эрса яна ул аёғни ерга қўйдум. Ул ит бошин ул ҳарфқа солиб, ул сутдин ичти, доғи шишиб, йиқилиб ўлди. Ҳамоно кўрган бўлғайки, йилон ул сутдин ичиб, захрин онда тўкмиш бўлғай. Итдин ул вафо кўргачки, ўзин манга фидо қилди, қиладурғонлардин тавба қилиб, бу тариқни ихтиёр қилдим.²⁴

Бунда юқоридаги мазмундан фарқли равишда унинг ижобий хислатлари қаламга олингани кўринади. Вафо тимсоли бўлиб кўз олдимизда гавдаланади.

Стенли Корен ўзининг “Ит билан қандай мулоқат қилиш керак” номли китобида итнинг характер хусусиятларига оид бир қанча маълумотларни

²³ Навоий, Мукаммал асарлар тўплами, ўн еттинчи том (Насоиму-л-муҳаббат), Т.: Фан,– 2001. Б-54.

²⁴ Навоий, Мукаммал асарлар тўплами, ўн еттинчи том (Насоиму-л-муҳаббат), Т.: Фан,– 2001. Б-.

келтириб ўтади²⁵. Масалан, уларда зийраклик, кўркмаслик, садоқат (анъанавий етакчи тимсол), тинчликпарварлик каби қатор турларини келтириш мумкин. Ҳамда итларда ҳам қалб бўлиши ҳақида ўз фикрларини билдириб ўтади. Кўринадики, итнинг тасаввуфга вафо-садоқат тимсоли бўлиб киритилишида унинг физиологик хусусиятидан келиб чиқилган. Бу назарий жиҳатдан олимлар томонидан ўрганилгандир.

Шайх Нажмиддин Кубро билан боғлиқ бўлган ит ҳақидаги ривоят алоҳида эътиборга лойиқдир. Навоий ҳазратлари ўзининг “Насойиму-л-муҳаббат” тазкирасида у ҳақида шундай келтиради: “Бир кун ул Ҳазрат мажлисида Асхоби каҳф ахволининг тақрири ва таҳқиқи ўтар эрди. Шайх Саъдиддин Ҳамавий қ.с.ки, Ҳазрат Шайхнинг асхобидиндур, хотирига ўттиким, оё бу умматда андоқ киши ўлғаймуким, суҳбати итга асар қилғай? Ҳазрат Шайх каромот нури била маълум қилдилар ва қўпуб хонақоҳ эшигига бориб турдилар. Ногоҳ бир ит етишди ва қуйруғин тебратадур эрди. Аларнинг мубарак назарлари ул ит сори тушди. Филҳол бахшиш топиб, мутаҳаййир ва беҳуд бўлуб, шаҳрдин юз эвурди ва гўристонга мутаважжих бўлди ва бошин ерга суртар эрди. Дебдурларки, ҳар ён борса, келса эрди, эллик-олтмишқа яқин ит они эришиб, ондин айрилмаслар эрди ва қайда сокин бўлса, теграсида ҳалқа уруб, иликларин илик устига қўйиб, ун чиқармаслар эрди ва нима емаслар эрди ва ҳурмат била турарлар эрди. Оқибат ул яқинда ўлди. Ул Ҳазрат буюрдиларки, они дафн қилдилар ва қабри бошида иморате ясадилар”.

Демакки, ит ўз садоқати билан, “Балх ит”лари сингари қаноати билан авлиёлик даражасига етишгандир. Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, итни бу тарзда талқин этиш ҳозирги давр адабиётида ҳам учратиш мумкин, Масалан, Назар Эшонқулнинг “Баҳовиддиннинг ити”²⁶ номли ҳикоясида шу ғоянинг илгари сурилганига гувоҳ бўламиз. Демак, ит образининг ушбу

²⁵ Стенли Корен, “Ит билан қандай мулоқат қилиш керак”, Ньюёрк:

талқини бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолганини кўришимиз мумкин. Бу каби талқинлар ит образининг мавқеини юқори кўтаради. Бунда бутунлай ўзгача мазмун ифода этилган бўлиб, итнинг муқаддаслаштирилганига гувоҳ бўламиз. Бу ривоят Каҳф сурасидаги итга боғланиб, уни мантиқан давоми дейиш мумкин. Аммо шундай талқинлар ҳам борки, юқоридаги талқиннинг бутунлай акс томондан ифода этади.

Хужжату-л-ислом унвони нисбат қилинадиган буюк сўфийлардан бири Имом Ғаззолийнинг бир қанча асарларида ҳам ит образига тўхталинганини кўрамиз. Унинг “Ихёи улум” асари²⁷да итни нажосат , узоқ юриш лозим бўлган нарса сифатида келтиради. ҚОПОҒОН ИТни ғазаб, шахват, гина, ҳасад, кибр, манмансираш каби иллатларга ўхшатади. Ит бор уйга фаришта кирмаслигини айтиб, қалб бир уй фаришталар қўнадиган макон, у қандай кўппаклар орасига кирсин, дейди..

Яна бир ўринда, ит суръати учун эмас, ваҳшийлик сифатлари ва нажосатлиги учун қораланиши айтилади. Ғазаб, дунёпарастлик, очкўзлик, одамларнинг обрўсини тўкиш, номусини поймол этиш каби иллатларга тўлган қалб, сурватан қалб деб аталсада, сийратан қалб экани айтилади. “Ихёи қалб”²⁸ китобида юқоридаги мазмунни янада тўлдириб итни – ғазаб дея таърифлайди. Унинг салбий образ сифатида қаралишининг бир қанча сабабларини келтиради. Инсон яратилишида ва унинг таркибида 4 хил унсур йўлдош бўлади ва шу сабабдан 4 хил сифат жамланади, дейилади. Улар қуйидагилар: йиртқичлик , ҳайвонийлик, шайтонийлик ва роббонийликдир. Шулардан инсонга ғазаб эгалик қилган бўлса, душманлик, ёмон кўриш, уриш, сўкиш каби иллатлар мавжуд бўлиши айтилади.

Ит ғазабдир. Чунки у журъатли ва қопағон сурвати учун, йиртқичлиги учун эмас, қонхўр, ваҳший, адовати учун қораланади.

²⁷ <http://forum.ziyouz.com/index.php?topic=824.0>, Ғаззолий, Ихёи улумиддин, Т.: Мавоуннахр, 2007,

²⁸ <http://forum.ziyouz.com/index.php?topic=824.0>, Ғаззолий, Ихёи улумиддин (Қалб китоби), Т.: Мавоуннахр, 2006,

Имом Ғаззолийнинг “Дақойиқу-л-ахбор” асарида шундай ҳадис келтирилади: “Пайғамбаримиз алайҳиссалом айтадилар: “Мўмин кишига лойиқ ва муносиб шулки, ани(нг) хулқи ва одати итнинг хулқи ва одатидек бўлғай, итнинг беш ибратли хулқи бордир. Бири шулки, доим оч бўлур, қаноат қилур. Бу тариқа очликка қаноат қилмоқ солиҳ бандалар хулқидир. Иккинчиси шулки, итнинг ҳашаматли макони бўлмас, ҳар гўшада ётур. Бу тариқа гўшанишинлик солиҳлар хулқидир. Учинчиси шулки, ит кечаси ухламас. Бу тариқа бедорлик солиҳлар хулқидир. Тўртинчиси шулки, итнинг авлодига мерос қолдирадурғон моли бўлмас, Бу тариқа дунё муҳаббатини тарк этмоқ солиҳлар хулқидир. Бешинчиси шулки, ҳаргиз ит эгасининг эшигидан кетмас. Бу тариқада вафо қилиб, Парвардигорга итоат қилмоқ ҳам солиҳларнинг хулқидир.” Бундан ташқари яна итнинг хислатлари ҳақида Ҳазрат Алининг ҳикматлари ҳам келтирилади: “Ҳазрат Али қарамоллоҳу ваҷҳааҳу айтдилар: “Итнинг ўн хислати бордурки, андин ибрат олган одам саодатманд бўлур. Биринчиси, анинг моли бўлмас. Иккинчиси, у иззатталаб бўлмас. Учинчиси, тайин макони бўлмас. Тўртинчиси, аксар вақтда оч бўлур. Бешинчиси, кўпинча хомуш бўлур. Олтинчиси, эгасининг ҳовлисини айланиб юрур. Еттинчиси, эгаси нима берса ҳам қаноат қилур. Саккизинчиси, агар ани эгаси ҳар куни юз қамчи урса ҳам ҳаргиз анинг эшигини тарк этмас. Тўққизинчиси, эгасининг душмани келса, ани қопар, аммо дўсти келса, даҳл қилмас. Ўнинчиси, агар ит ўлса, андин мол қолиб, мерос учун тақсим қилинмас. Булар ҳаммаси обид, зоҳид ва солиҳ бандаларнинг турмуш тарзидир. Валлоҳу аълам биссавоб”. Шу ўринда ит образини юксакликка кўтаргувчи фазилатлари намоён бўлади. Барча солиҳ кишиларда бўлиши лозим бўлган фазилатларни ўзида мужассам этганлиги учун ҳам гарчи шариатда қораланса-да, тариқатда ҳавас билан қаралган ўринлар кўринади. Демакки, ит вафоси-садоқати билан бир қаторда қаноати билан ҳам тариқат аҳлига киргувчиларга ибрат сифатида кўрсатилади. Зеро, Қуръони Каримга берилган тафсирларда ҳам, итнинг қаноати тилга олинади. Шундай баён қилинади: ҳукамолардан Абу Зайднинг ғоятда ибратли мана бу сўзи худди

ўша ансорлар ҳақида айтилгандек: балхлик бир йигит менга : “ Ўзларингизнинг зуҳд-тақвонгиз ҳақида гапириб беринг” деган эди, мен дедим: “Топсак еймиз, топмасак сабр қиламиз”. Шунда у деди: “Бизда Балх итлари шундай қилишади, биз эса топмасак сабр қиламиз, топсак ўзимиздан мухтожроқларга улашамиз”.

Навоий “Мажолису-н-нафоис ” тазкирасида қатор ўзигача ва ўз даврида яшаган шоирлар ҳақида сўз юритар экан, шоирлар ижодида кўлланган ит образига ҳам тўхталиб ўтади.

Бунда ижодкорлардаги умумий жиҳат ит образини аксар ҳолларда ёрники сифатида таърифлаганларидадир.

Бу асарда итнинг хусусиятлари икки хил мазмунда келтирилганига гувоҳ бўламиз. Бири ижобий маънодаги: вафо-садоқат, қаноат каби рамзларнинг ифодаси бўлса, салбий мазмунни акс эттирувчи нафс деб аталувчи бир бутунликка бирлаштирилган ва унинг ичида очкўзлик, ғазаб, йиртқичлик, шахват, кибр, гина, ҳасад каби қатор иллатларни ўзида жамлаганидир. Демакки, ит образининг ривожланиш тараққиётида тасаввуф адабиёти ушбу мазмунни ифодалаш учун айна ит образидан кенг тарзда фойдаланилган.

Ҳазрат Мир Алишер Навоий ўзининг “Мажолису-н-нафоис” тазкирасида шоир, наққош, мусиқачи сабзаворлик Мир Шоҳий ҳақида сўзлаб туриб, ижодидан баъзи намуналар келтиради:

Тарж.: Раҳмсиз кўнгил туфайли хароб бўлдик, гоҳ-гоҳ бизни эслаб тургил; кўчанг итларимиз, бир тош [отиб] охирда бизни шод этгил.

Шу мисралар билан бошланувчи бу ғазал зоҳиран ижтимоий руҳда яратилган асар сифатида кўринса-да, бу ботинан солиқнинг Ҳаққа бўлган ишқи эканлилига гувоҳ бўламиз. Агар шоҳга мурожаат деб қабул қилсак, давр зулмидан озорланиш, ёзғириш маъноси кўринади Ботинан эса бу мисралар чуқур мазмун касб этиб, Ҳақ ишқиға интилишни ифода этганига гувоҳ бўламиз. Ошиқнинг маъшуқаға раҳм қилишини чин дилдан исташи ифода этилади. Тасаввуфда солиқнинг Ҳаққа интилиши унинг фироқида

ёниши, васл иштиёқи тасвири шу тарзда ифодаланади. Бу ўринда ит образи вафо ва садакат тимсоли бўлиб келган. Имом Ғаззолий “Дақойиқу-л-ахбор” асарида ҳадисидат келтирилган бешта ибратли хулқи ҳақида келтира туриб, бешинчиси ит ҳаргиз эгасининг эшигидан кетмас. Бу тариқада вафо қилиб, парвадигорга итоат қилмоқ ҳам солиҳларнинг хулқидир, дейилади. Демакки, итнинг тимсолий маъноларидан бири ҳамда етакчиси вафо ва садоқатни тараннум этишидир.

Қанчалар унга озор беришса-да, унга бўлган эътиқодини сусайтирмаслик ҳам итнинг ўн хислатидан бири эканлиги ушбу асарда келтирилган. Ушбу ғазални ижтимоий мазмун касб этган фикримизнинг исботи кейинги мисраларда аниқ кўзга ташланади.

Тарж.: Эй Сабзавор, кўз ёшим ва оҳим билан остин-устин бўл! Чунки шоҳ шаҳри шоҳсиз (яъни, Шоҳийсиз) қолса, ҳеч нарсага ярамайди.

Агар биз Мир Шоҳийнинг сарбадорлардан бири, етакчиси эканлигини ҳисобга олсак, мазмун янада яққолроқ англашилади. Сабзаворга келгач, юрт соғинчи ва унинг аҳволига куюниш тарзидаги туйғулари шу тариқа мисраларга кўчган. “Мажолису-н-нафоис” тазкирасида келтирилган. Мавлоно Дарвеш Машҳадий — Фаҳрий Ҳиротий ўзидан илова қилиб: бу шоирнинг ёмон тиллиги, жоҳиллиги Навоий айтганидан юз чандон кўпдир. Лекин одамлар унинг Аллоҳдан ўзининг ит феъли, нафсдан фориг қилишликни илтижо қилиб ёзган дарвешона бир байти учун афв этадилар. Мавлоно Мажнун — Камолиддин Маҳмуд Рафиқий деган хаттот ва шоирнинг ўғли. Уни «Мажнун чапнавис» деб ҳам атаганлар. Чунки у чапдан ўнгга қараб ёзиш усули «бозгуна» хатининг моҳир устаси бўлган. «Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихи» китобининг муаллифи, олим ва хаттот А.Муродов маълумотига кўра Мажнун «Рисолаи қавоиди хутут» (Хатлар қоидаларига оид рисола) номли асар ёзган. Мажнун ҳарф шакллари нукта ўлчови системаси асосига қурган экан. Хондамир эса Мажнуннинг яхши қасидалар ёзганини билдиради.

Тарж.: Мен унинг итлари галаси ичидан жой топдим.

Остонаси ғуборидан кўзимни равшан қилдим.

Ушбу байт тасаввуфий мазмун касб этган бўлиб, ит образига етарлича даражада маъно юкланган. Ушбу байт кўп қатламли мазмунга эга бўлиб, бунда итни ёрники сифатида ҳам, ёхуд Кубро билан боғлиқ авлиё итга ишора сифатида ҳам қабул қилиш мумкин. Остона тасаввуф адабиётида Оллоҳнинг висолига етишиш маъносини ифода этади. Демакки, остонаси ғуборидан кўзини равшан бўлиши ёки кўзи очилиши ҳаётда яшашдан асл мақсад ва моҳиятни англаб етганини англатади.

Сўфийлардан бири маломатия тариқати асосчиси шайх Жалолиддин Румий тасаввуф адабиётида муҳим манбаларда бири сифатида қадрланади. Ҳазрат Навоий ўзининг “Насойиму-л-муҳаббат” тазкирасида тўхталиб ўтади. Румий ҳазратларининг “Ҳикматлар”²⁹ китобида ит образи садоқат рамзи сифатида талқин этилганини кўрамыз.

Жон берар эрди ити, унга қараб,
Вой, итим, дерди-да йиғларди араб.
Бир тиланчи сўрдиким, эй бағри хун,
Сўйлагил, бул оху фарёдинг нечун?
Дедиким, содиқ итим бор эрди, қай,
Жон берар йўл узра бундоқ, не қилай?
Кундуз овчим, кечалар соқчим эди,
Ўғрилар йўлига пойлоқчим эди.

Бундан ташқари ит образ Навоийгача яшаган, Ҳазрат уларни ўзига пир билган зотлар: Атоий, Лутфий, Саккокий ижодида ҳам кузатилади.

Малумки, Атоий ижоди нисбатан содда, тушунарли, халқ тилига яқинлиги билан бошқа ижодкорлардан фарқ қилади. Гарчи мисралар содда тушунарли тилда берса-да, унинг қарига олам-олам маъно юклашга интилади. Айни шу жиҳати билан Навоий ижодидан фарқланади. Биз Атоийнинг 2008-йилда “Фан” нашриётида чоп этилган девонини кўздан

²⁹ Румий Жалолиддин, ҲИКМАТЛАР, (Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси), Тошкент: «Фан» нашриёти, –2007, Б. 90.

кечирганимизда 14 та ғазалда ит образи билан боғлиқ фикрлар ифода этилганига гувоҳ бўлдик. Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, ит образига “атоийона” услубда жон бағишлайди. “Ғаминг кўйида кўнгулга ишк доғин” дея бошланувчи риндона ғазалда ит образининг вафо, садоқатлилигини, эгасининг эшигини тагидан кетмаслик сифатларини назарда тутган ҳолда гўзал мисраларни ўқувчига тақдим этади:

Эшигинг итлариндин ёд қилсанг,

Бир ул итлар туфайли бизни соғин.

Яъни итдаги сифатларни кўрганда ёрни эслатишини англатишга интилади. Вафодорлик сифатларини бўрттириб, таъсирчан кўринишда ифода этади. Атоий ит образининг талқинларини рангба ранг маъно бўёқларига бўяб, уни янги қирраларини кўрсатиб берганини ушбу байт орқали ифода этади.

Сен рақибнинг итлигин кўрким, кўра олмай келур,

Ғар кўруб сориг юзимни кўруб, десанг “кох-кох”.

Мазмуни: агар сариқ юзимни кўруб, (бу) “сомон-сомон” десанг, рақибнинг ит (феъл) лигини кўр, кўра олмай келур.

Шоир биргина байтда бир қанча санъатлардан фойдаланиб, гўзал мазмун ҳосил этади. Биринчи мисрада “кўр-кўра олма” сўзларидан оҳангдошлик асосида тазод санъатида фойдаланган бўлса, рақибни итга ташбеҳлантиради. Кейинги байтда “сариқ юз” бирикмаси муболаға билан ифода этилса, “десанг кох-кох” эса ташбеҳ санъатидан фойдаланилган. Бу ўринда итнинг бадфеъллиги, Ғаззолий таъбири билан айтганда, ғазаб, шаҳват каби иллатлари назарда тутилади. Халқ тилида “кўра олмаслик” ибораси ҳасад қилиш, куюниш каби маъноларни билдиради. Демак, итнинг ғазаб, шаҳват каби иллатлари билан “зийнатланган” рақиб ошиққа ёрнинг биргина эътибори тушганлигидан ҳасад ўтида ёниши шу тарзда битилган.

Атоий ғазалларида ит образига муносабат икки хил маънода талқин этилади. Биринчидан, кўпчилик ўринларда уни рақиб сифатида кўради ва унда гадо билан ит ҳеч қачон келиша олмаганлиги айтилади.

Иккинчидан, итга ҳавас билан қарайди, ҳар доим ит ёрнинг эшиги тагида ёта олиш бахтига мушаррафлиги ошиқнинг қалбини ҳаяжонга солади. У ҳам итлари орасида бўлиб, ёрнинг эшиги остида ётишни орзу қилади.

Яна бир Навоий ўзига пири комил сифатида билган, ўз даврининг Шоири Акроми бўлган зот Мавлоно Лутфий ижодида ҳам ит образи ифода этилганини кузатамиз. Лутфий девони билан танишганимизда ит образига ҳавас билан қарагани кўринади. “Сенинг ширин лабинг жондан қолишмас” матлали ғазалида:

Эшигинг итина ким бўлса йўлдош

Онинг иқболи султондин қолишмас,

Лутфий Атоийдан фарқли равишда барча ўринларда итни ижобий образ сифатида талқин этгани кўринади. Ва анъанага содиқ қолган ҳолда ёрнинг эшиги остида ётган итни иқболи баланд дея таърифлашда давом этгани кўринади. Ҳатто, ўша итга ким йўлдош бўла олса, иқболи султон билан тенг эканлигини тавсиф этади. Бу ўринда ифода этилган садоқат тимсолини ботиний маънода шоирнинг тариқатига, Ҳақнинг ишқиға нисбатан баён этилганига гувоҳ бўламиз. Ҳатто баъзи ўринларда “ит” дея аташса, номусу нанг бўлишини айтиб ўтади.

“Ғар Лутфийни ит атасам, ҳеч кўнгли қолгайму”, – дединг?!

Не кўнгли қолибдур анингким истагай номусу нанг.

Кўринадик, Лутфий ижодида бу образ муносабат фақат ижобий мазмун касб этган.

Ит образининг ўзига хос талқинини форс шеърятининг машъаласини кўтарган сиймолардан бири Саъдий Шерозий ижодида ҳам кўришимиз мумкин. Унинг ижодида кўпчилик ўринларда ит образи ижобий мазмун касб этмасада, бироқ баъзи ёмон иллатли кимсалардан кўра ўша ит ҳам афзаллиги гўзал тарзда ифода этилади.

Нуҳ ўғли бўлуб ямонлар ила,

Еди насли нубуввата барҳам.

Яхшилар изиға игорғон учун

Бўлди асҳоби Каҳф ити одам.

Бунда машҳур асҳоби Каҳф воқеасига ишора бўлиб, ит яхшиларга эргашгани учун Каҳф ити бутун яратикларнинг гултожи бўлган одамдек шарафга лойиқ топилди, Нуҳ пайғамбарнинг ўғли ёмонлар билан бўлиб, пайғамбар наслини барҳам топишига сабабчи бўлиб қолди.

Демак, халқимизда “Яхши билан юрсанг етарсан муродга, ёмон билан бўлсанг қоларсан уятга” мақолининг бадий жихатдан гўзал тарзда тасвирланганига гувоҳ бўламиз. Шерозий Ҳазратлари шу тарзда инсониятни маънавиятга, езгуликка ундагани кўринади.

Яхшилар қозонин қайнатиш учун

Бисоту буюмлар ёқилса яхши.

Ёмон ниятга ҳам сен яхшилик қил

Ит оғзин нон билан тийилса яхши.

Ушбу мисралар қатида халқ урф-одатлари билан боғлиқ ҳодисалар орқали кишини ирфон нури билан баҳраманд этишга чоғланган шоирнинг орзу-истаклари акс эттирилган. Халқ орасида агар ит увласа, ёмонликка йўйиб, садақа сифатида нон беришади. Панд насихат руҳидаги ушбу шеър шу тарзда инсоннинг табиатини итга кўчирган ҳолда акс эттирилгани кўринади.

Хулоса қилиб айтганда, ит образи илдизлари қадим халқ оғзаки ижоди, иккинчи томондан, диний манбалардан қидириш моҳиятга элтади, назаримизда.

Тасаввуфий адабиётларда англатувчи мазмун юк манбалардан таъсирланган, озиқланган ҳолда кенгроқ тарзда ифода этишга хизмат қилади. Кузатишлар натижаси шуни кўрсатадики, ит образининг мазмун англатиш чегараси давр ўтган сари кенгая борган. Буни Жалолиддин Румий, Лутфий ҳамда Атоий ижодини солиштириш натижасида исботлаш мумкин. Масалан: Румий ижодида ит образи фақат **садоқат тимсоли** бўлиб келган бўлса, Атоий

ижодида бироз кенгрок планда, яъни **содиклик, садоқатга қўшимча тарзда рақиб маъноси** ҳам ифода этилади.

Лутфий ижодида ҳам Атоийга нисбатан сийрак тарз учраб турса-да, у ўзига хос мазмун ташийди. Унинг ижодида ит образига муносабат ижобий мазмун касб этиб, Бу образни юқори мартабада кадрлайди. Унинг ўрнида бўлиб қолишни истайди. Бу ўринда ит образининг вафо садоқат маъносида ташқари кўриқчилик вазифасига ишора ҳам кўринади, назаримизда. Чунки Кўриқчи ўз ўрнида доим содик бўлишга, қимирламасликка маҳкум. Бу ўринда нафсини бутунлай енга олган. Ҳақ ишқи билан нурланган, Ҳақиқат эгалари тасвир этилган.

Демакки, Навоий ижодида бу қадар кенг кўламли тарзда фойдалишининг сабабларидан бири ит образи ривожланиш тараққиёти ўзигача яшаган ижодкорлар асарларида ҳам чуқур мазмун касб этган ва алоҳида ўринга эга бўлган. Образнинг тадрижий тараққиёти Навоий асарларида маънолар ранг баранглигини ҳосил қилишда дастурул амал вазифасини ўтаган.

“БАДОЕЪУ-Л-БИДОЯ” ДЕВониДА ИТ ОБРАЗИ ТАЛҚИНИ

Дунё яралгандан буён олам ва одам муаммолари, улар ўртасидаги муносабатлар асосий мавзулардан бири бўлиб келган, бу барча фан соҳаларида бўлгани каби бадий адабиётда ҳам ўз аксини топган. Бадий асарларни, жумладан, мумтоз ижод намуналарни ўқиб, тадқиқ этганимизда Навоий сиймосига, унинг ижодига ўзгача ҳурмат ва ҳайрат билан муносабатда бўламиз. Образлар қаридан жилваланиб, товланувчи образлар тизими эътиборимизни тортмасдан қолмайди.

Ул зотнинг барча асарларини, жумладан, “Бадоеъу-л-бидоя” девонини варақлаганимизда шеърларда ифода этилган образлар кўлами ва мазмуни кишини ҳайратга солади, чуқур мулоҳаза томон элтади. Анъанавий образларни учратиш мумкин: маъшуқа, ошиқ, рақиб ва рафиқ, мажозий образлардан гул, булбул, пашша, фил, парвона, шам, қуёш ва ит образларини учратиш мумкин. Биз шулардан ит образига тўхталиб ўтмоқчимиз. Ҳазрат Навоий “Муҳокамату-л-луғатайн” асарида ит сўзининг турли хил маънода қўлланувчи омоним эканлиги келтирилади.. Бу ҳақда шундай дейилади: “ Яна ит лафзи ва анда дағи бу навъ уч маъни бор андоқки:

Эй рақиб, ўзни анга тутсанг ҳам ит,

Бизга раҳм айлаб анинг қўйидин ит,

Гарчи бор дўзах ишқинг шуъласи

Бизни ўз илгинг била ул сори ит.”

(Эй рақиб, ўзингни унга ит каби (вафодор) тутсанг ҳам, бизга раҳм айлаб, унинг қўчасидан кет, агар дўзахча ишқинг шуъласи бўлса, бизни ўз қўлинг билан у томонга улоқтир.)

Навоийнинг “Бадоеъу-л-бидоя” девонида “Ит” образи 70 ўринда учрайди ва уларнинг ҳар бири янгича маъно-мазмун касб этишни кузатишимиз мумкин.

“Ит” образи тасаввуф адабиётида бир қанча маъноларни: вафо-садоқат, нафс рақиб маъноларини ифода этади. Жумладан, мана бу байтда “Ит” образининг анъанавий садоқат тимсоли сифатида талқинини кўришимиз мумкин:

Ишқ вафо асосига қурилади. Навоий ғазалларида бу тимсол етакчи ўрин эгаллайди, вафо шоир ғазалларидаги асосий мавзулардан биридир. Барчамизга маълумки, ит қадим замонлардан буён инсонга садоқати билан машҳур. Ҳазрат Навоийнинг “Бадоеъу-л-бидоя” девонидаги шеърларда ит образи кўп ҳолларда ушбу маънода қўлланган. Шоирнинг “Не наво соз айлағай булбул гулистондин жудо” деб бошланувчи ғазалдаги мақтаёсида ҳам мазкур тимсолнинг бадиий талқини сифатида кўзга ташланади.

Бир иёсиз ит бўлиб эрди Навоий ёрсиз

Бўлмасун, ё рабки, ҳаргиз банда султондин жудо.

Байт мазмунини икки хил йўналишда таҳлил этиш мумкин.

1. Ижтимоий мазмунда. Бунда Навоий яшаган муҳитга таяниш зарур. Маълумки, Ҳазрат Навоий Хусайн Бойқаронинг “амири муқарраб”и бўлган ҳар иккаласи ҳам бир-бирларига умрларининг сўнггигача садоқаткўрсатганлар. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ушбу мисралар мамлакат шоҳига аталган. Буни байтнинг зоҳирий маъноси деб қараш мумкин.

2. Ишқий-тасаввуфий мазмунда бўлиб, мисраларнинг ботиний маъноси англашилади. Бунда султон образи бир неча қатламга бўлиш мумкин. Биринчидан, ҳақ – Аллоҳ маъносида бўлса, яна бири маъшуқа – ёр, учинчиси – тариқатда йўл кўрсатувчи муршид маъносида қўлланилган. ушбу мисралардаги вафо талқини теранроқ англаш учун ундан аввал келган байт мазмунига мурожаат қилиш зарурати сезилади:

Ҳажр ўлумдан талх эмиш, мундин сўнг, эй гардун, мени

Айлагил жондин жудо, қилгунча жонондин жудо.

Бу мисралар орқали моҳият янада анча ойдинлашади. Яъни жонидан ҳам жонони азизлиги, ҳажр азобидан ўлим афзаллиги ифодаланади. Зеро, тасаввуф адабиётида ўлим – ошиқнинг мақсади, ёри – Биру Борга етишишда ягона восита ҳисобланади. Ғазалда вафо юқори пафосда тасвирланган. Ёрга садоқат тасвири орқали Яратганга, тариқатга ва энг яқин кишиси бўлган шоҳ Ҳусайн Бойқарога бўлган садоқатини ифода этади. Бу турдаги ғазаллар чуқур маъно ва гўзал бадииятни мужассам этгани билан қимматлидир.

Гар кўнгул оху кўзунг оллинда лойиқ бўлмаса,
Итларингга бўлсун, эй шўхи ситамкорим, фидо.

(Агар кўнгул оху кўзинг олдида лойиқ бўлмаса, эй шўхи ситамкорим итларингга фидо бўлсин.)

Бу мисралар орқали ошиқ ёрни юксакка кўтаради, уни ҳаммадан аъло деб билгани ифода этилади. у итнинг ундан-да афзалроқ билиши ошиқнинг ёзғиришлари ифода этилган. У ёрнинг энг яқин кишиси сифатида талқин лэтилади. бунга бошқа бир қанча ғазалардан мисол келтиришимиз мумкин.

Таковарингга бағир қондин хино боғла,
Итингга ғамзада жон риштасин расан қилғил.

Адабиётшунос олим, филология фанлари доктори Иброҳим Ҳаққул ушбу байтни куйидагича изоҳлайди: “ ...ит”нинг зоҳирий маъноси вафо-садоқатда ўрнаклик. Чунки анъанавий тасвирларга кўра, сидку садоқат ва вафодорликда ошиқ ўзини ит билан (кўпинча, ёрнинг ити билан) тенг кўради.³⁰ Бунда олим образга ёндашишда зоҳирий маънода олиб қараган бўлса, бошқа ўринда худди шу мисрани ботиний маъносини шарҳлашга ҳаракат қилади.

“ит” “ғамзада жон ипи” ўртасида ҳам шундай мутаносиблик мавжуд. Бизнингча, “жон ипи” ила боғанадиган “ит” ва унинг шаклу шамоили – нафси амморадир. Зеро, ёр ёрдам ва илтифот кўрсатмаса бу “ит”ни ҳеч қачон таслим этиб бўлмайди.³¹

³⁰ Ҳаққул И. Ирфон ва идрок, Т.: 1998-йил,

³¹ Ҳаққул И. Ирфон ва идрок, Т.: 1998-йил,

Юқоридаги мисраларни (“Қилғил” радибли ғазал назарда тутилмоқда) адабиётшунос олим, филология фанлари доктори Нусратулла Жумахўжаев шундай изоҳлайди: “Назаримизда, Навоий мисрасидаги итга муносабат заминида ҳам ошиқ ҳам маъшуқа аросига раҳна солувчи тўсикка киная ётибди. Айни пайтда, итга меҳр, фидоийлик кўрсатиш манзурнинг ўзига ҳам жонфидолик рамзидир. Хуллас, лирик қаҳрамон маъшуқага яна илтижо қилинади. Итингга ҳижрон ғамидин зада бўлган жоним ипларини арқон қилиб боғла, токи бизнинг дийдорлашувимизга халақит бермасин.”

Яна ўша хажр дарди ва висол иштиёқи! Ёҳуд мисралардан бундай мазмун ҳам англашилиб туради. “Эй ёр, хажринг ғамида арқондек ингичка тортган жонимни итингга боғла. Мен лоақал итингга баҳшида бўлай, лоақал итинг орқали васлингга муяссар эт.”³²

Кўриниб турибдики, бунда ит образи нафақат лирик қаҳрамон учун рақиб, балки маъшуқага етказувчи восита бўлиб ҳам хизмат қилгани кўринади. Бу мисраларда жо бўлган маънолардан бири шу!

Юзу лаълингдин Навоий беҳуд ўлса, сўрмағил,

Бир итингдурким, саҳар вақтинда шаккархоби.

Юзинг ва лабингдан Навоий ўзидан кетса, сўрама, (у) саҳарда ширин уйқули бир итингдир.

Бу ўринда бутунлай маъно йўналиш ўзгарган бўлиб, унда энди вафо тимсоли сифатида кўзга ташланади.

Муборок манба Қуръони Каримнинг “Каҳф” сурасида келтирилган қиссада Ҳақ таолонинг қудрати ҳамда итнинг садоқат сифатлари тўғрисида гап кетади. Инсоният яралибдики, ишқ унинг ҳаётига мазмун, жозиба бахш этувчи омил сифатида қадрланган. Ва ҳар қандай ишқнинг гўзаллигини таъминловчи асосий унсурлардан бири вафо ит образи орқали тасвирланганини кўришимиз мумкин..

“Насойиму-л-муҳаббат”да ушбу образнинг ишқ аҳлининг доимий йўлдоши, ҳар дамда ҳамроҳи бўлган вафо тимсолини акс эттириши Абу

³² Жумахўжа Н. Сатрлар силсиласидаги сеҳр, Т.: 1996-йил,

Усмон Мағрибий қаддасаллоху таоло сирраҳу ҳақидаги қайдларда³³ итнинг кўрсатган вафоси туфайли тавба қилиб, тариқат йўлига киргани айтилади.

Итинг ҳисобиға кирган ҳисоб вақтида,
Агарчи журми эрур беҳисоб, эмас маҳсуб.

Итларинг ҳисобига кирганда, агар гуноҳлари ҳисоб кунида беҳисоб бўлса ҳам ҳисоб эмасдир.

Бу ўринда ҳисоб куни Қиёмат вақтини назарда тутати. Ва тасаввуфда Ҳаққа интилиш, унинг ишқида ёнишнинг ўзи кифоя қилиши шу тарзда акс эттирилади. Бу байтнинг мазмунини янада аниқроқ ифода этиш учун Машраб ва Сўфи Оллоёр суҳбатини эслаш лозим бўлади, назаримизда. Ит образининг яна бир маноларидан бири рақиб тимсолини акс этишидир. Ушбу мисраларни мисол келтириш мумкин:

Истасам хуснунг закотин гар бўлур моний рақиб

Не ажаб, чун ит бўлур доим гадо бирла адув

(Мен хуснунг закотини истасам, агар рақиб қарши бўлса, нима ажабланарли жойи бор, доим ит гадо билан душман бўлганку).

Навоий ғазалларида ит образи ёр билан ёнма ён қўлланган ҳолатлар кўп учрайди. Қизик савол туғилади, нега ит? Мулоҳаза қилиб кўрсак, ит уйда асосан, кўриқчилик вазифасини бажаради. Демакки, ёрнинг ёнида ит кўриқчи вазифасини ўтар экан. Ошиқнинг зорланиши доимо у билан душман кайфиятида бўлишининг сабаби шундан.

Бунда “гадо” ошиқ, “ит” рақиб тимсоли сифатида тасвирланган. Навоий ўз ғазалларида ит образи орқали нафс маъноси ҳам ифода этилгани кузатилади.

Бу образ ҳақидаги фикр ва қарашларнинг илк илдизларни халқ оғзаки ижодида ва муқаддас манба Қуръони Каримда, Ҳадиси Шариф ва Навоийгача яшаган авлиёлар сўзларида учратишимиз мумкин. Ушбу образ тасаввуф адабиётида икки хил маънода талқин этилади. Ижобий маъно-мазмун ифодаловчи ҳамда салбийликка қоришган “Ит” образидир.

³³ Навоий, Мукаммал асарлар тўплами, ўн еттинчи том (Насоиму-л-муҳаббат), Т.: Фан, – 2001. Б-65.

Беша шерин гар забун қилсанг шижоатдин эмас,
Нафс итин қилсанг забун оламда йўқ сендек шужоъ.

Мазмуни: чангалзордаги шерини ер билан яксон қилсанг ҳам нафс итини енганингчалик ботир бўла олмайсан.

Демакки, нафсни енгаш яъни содда қилиб айтганда, инсон ўзини ўзига бўйсундириб, чиркин истаклардан, хаёллардан қутқара олса, дунёдаги энг ботир ҳисобланади. Чунки унинг ичида нафсоний истак ва туйғулар шунчалик кўп ва кучлики, баъзида хоҳлаб-хоҳламасдан йўлимиздан оғишимизга сабаб бўлиб қолади.

“Аъроф” суръасида бу ҳақида шундай маълумот берилади: “...оллоҳ берган илмни мол-дунё топиш учун бировларга зиён етказиш йўлида суъиистемол қилган олимлар тиллари осилиб турадиган ҳансираб турадиган ит” ларга ўхшатилади.

Кенгроқ назар соладиган бўлсак, ушбу тушунча нафсни ифода этганини кўрамиз. Негаки, барча ёвуз, совуқ ният-ўй хаёллар ортида, албатта, нафс ётади. Зеро, бу тушунча биз билган моддият билан билан боғлиқ бўлган эҳтиёждан ортиқ ҳолат ва ҳодисаларни, балки маънавий дунёмизни талотум қиладиган, унга қутқу ва нотинчлик келтирадиган хаёл ва тафаккур билан боғлиқ бўлган нафсга хос мазмунни ҳам ифода этади. Салбийликни акс эттирувчи бу ўринда нафсга эргашишнинг энг биринчи қадами илмсизликдан келиб чиқиши таъкидланади. Яъни нафсининг қулига айланган кимсалар тасвири ва тақдири шу тарзда баён қилинади.

Ҳазрат Навоий Дамашқлик Абу Абулҳасан Аҳмад Абуҳаворий қуддиса сирриху ҳақида ўз тазкирасида шундай деганини эслайдилар: “ Ул дебдурким, дунё мазбаледур, итлар мажмаи. Ва итдин ўксук улқишики, андин йироқ бормас, нечунки хожатинки мазбаладин олур кетур ва ани севар киши ҳеч ҳол била андин айрилмас³⁴ ”

Мазмуни: дунё ахлатхонадир, итлар (у ерда) тўпланадиганлардир. Ва итдан тубан киши ундан узоқлашмас. Итлар нима эҳтиёжи бўлса,

³⁴ Навоий, Мукаммал асарлар тўплами, ўн еттинчи том (Насойиму-л-муҳаббат), Т.: Фан,– 2001. Б-54.

ахлатхонадан олади ва уни севдиган киши ҳам ҳеч қачон ундан йироқлашмайди.

Бу ўринда дунё дейилганда – нафслар дунёси, ит эса нафсининг қулига айланган инсон образини ифода этган.

Сўфийлик таълимотида нафсни енгиш муҳим масалалардан бири бўлиб, нафс қутқуси ҳар доим илоҳий ишққа етишишда тўсиқ бўлиб келган. Унда бутун чиркинликларга бурканган эҳтиёж фақат моддият билан боғлиқ бўлмай, маънан тубан кимсалар ҳам рамзий маънода ит дея таърифланади. Ҳадиси Шарифда ҳам нафсини тия олмасдан ортиқча еган киши мечкай итга тенглаштирилади. Бу ўринда ит образи нафсга ишора қилувчи калит сифатида қўлланган. Оламда нафсдан кўра енгиш қийин бўлган бошқа бирор нарса йўқлиги айтиб ўтилган. Айтиш мумкинки, бундай серқатлам маъно-мазмун ифодаси ғазалнинг таъсирчанлигини, кўламдорлигини оширишга хизмат қилган. Нафсни енгиш комилликнинг энг биринчи белгисидир. Барча сўфийлар нафсни устидан ғалаба қозонганлар. Ит образи ҳамон олимларнинг тафтиш ва текширишларига сабаб бўлмоқда. Шундай текшириш натижаларидан бири Олимжон Давлатовнинг “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталигида 2012-йил 30-ноябр сонда эълон қилинган “Ажаб йўқ одамийликни унутсанг...”³⁵ номли мақоласида шундай дейилади:

Ажаб йўқ одамийлини унутсанг,

Ўзунгни телба ит чармида асроб.

Олимжон Давлатов ушбу мисралар талқинида олим Иброҳим Ҳаққул билан ғойибона баҳсга киришади. Ибраҳим Ҳаққул фақат байтларга ижтимоий руҳ бериб, “манқурт” дея ит образига шарҳ беради ва шу маънога алоҳида урғу беради. Бироқ ғазални бошдан оёқ бир тизимда таҳлил қилсак, бошқачароқ маъно касб этиши мумкинлигини ҳис қиламиз. Чунки ғазал соф тасаввуфий руҳда бўлиб, уни ижтимоийликдан ҳоли тарзда таҳлил этсак, мақола эгасининг фикрларига кўра ит нафс тимсолини ифодалаб келган.

³⁵ Давлатов О. Ажаб йўқ одамийликни унутсанг, //Ўзбекистон адабиёти ва санъати//, 2012-йил 30-ноябр, Б. 3.

Олимжон Давлатов байтни шундай изоҳлайди. “ Ушбу байтда ҳазрат Навоий балоғатнинг энг қийин усулларида бири – ийжоз (оз сўзлар билан кўп маъноларга далола қилмоқ) билан ийҳом санъати унсурларини биргаликда ишлатиб, иккита мустақил бир-бирини тўлдирувчи маънони бир мисрага сингдиради.

ИТ нафс тимсоли чунки ит табиатан тоза гўштдан кўра бадбўй ўлакка гўштига ўч бўлади; одамийликнинг ички душмани – нафс ҳам ҳаром лўқмани кўрганда кўпроқ қутқу солади.

Бундан ташқари, ит образи Наът ғазалларида ҳам ифода этилган. “Эй, нубувват хайлига хотам бани Одам аро” матлали ғазали наът усулида битилган бўлиб, у қуйидаги мақтаъ билан якунланади.

Итларинг махсусу маҳзундур Навоий, кошки,
Кирса бу маҳрум ҳам ул зумрайи маҳрам аро.

Итларинг хосланган, (Аммо) Навоий маҳзундир, кошки у маҳрум ҳам маҳрамларинг аҳли кирса.

Навоий ушбу ғазали пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)га наът тарзида битган бўлиб, бунда ҳижрон-айрилиқ мотиви етакчи ўрин эгаллайди. Ғазалнинг ҳар бир мисрасида ташбеҳ, истиора санъатини учратишимиз мумкин. Бунда ит образи юксак мақомга кўтарилган бўлиб, бунда бу образнинг илдизларини Шайх Нажмиддин Кубро билан боғлиқ ривоятларда излаш ўринли назаримизда. Бу ҳақида адабиётшунос олим Дилором Салоҳий “Бадоеъу-л-бидоя малоҳати” китобида ҳам ушбу байтнинг мазмунига бироз тўхталиб ўтилган ўрин мавжуд. Унда ҳам вафо тимсоли сифатида талқин этилади.

Бўлмоқ итлар мунъими тан тўъма айлаб яхшироқ,
Танни қилғунча самин нокаслар инъоми била.

Маълумки, ғазаллар ишқий ва ижтимоий мазмун касб этиши билан бир қаторда, ошиқона, орифона, риндона каби турлари ҳам мавжуд . юқоридаги

байт орифона бўлиб, уни Дилором Салоҳий “Бадоеъу-л-бидоя малоҳати” китобида шундай изоҳлайди. Шахс комил эркин бўлиши учун у ўзини руҳан поклаши, шаклланиши, адолат, ҳақиқат сари интилиши лозим. Чунки, руҳий покликка мол-давлатга ортиқча хирс қўйиш билан, ёҳуд мансаб, ёки бировнинг қўллаши билан эришиб бўлмайди, “Бадоеъу-л-бидоя” даги орифона ғазалларда ана шундай фикрлар олға сурилади.

Навоий ғазалларидаги ит образининг қўлланишини тадқиқ этишимиз жараёнида кўпчилик ўринларда итнинг афғон қилгани сабабли эл ичида мардуд эканлиги қаламга олинганига гувоҳ бўламиз. Натижада маълум бўладики, халқ орасида “увлаган” итга нон бериш ёҳуд қувиб солиниши Стенли Кореннинг “Ит билан қандай мулоқот қилиш керак” деб номланган асарида илмий жиҳатдан исботлашга ҳаракат қилади. Унинг сўзларига кўра итодамлардан фарқли равишда 3 ўлчамдан кўпроғини кўра олар экан. Ҳадиси Шарифда эса ит бор уйга фаришталар кирмаслиги келтирилади. Демакки, итда биздан ташқарида бўлган оламниқўриш имконияти мавжуд. Халқ тилида айтиладиган увлаган ит хавф-хатар, оғир касаллик, фалокат ва ўлим хабарини етказади деган фикрлар асосли эканини кўрсатади. “Ёп ул юз ойинасин чексам оҳи дардолуд” матлали ғазалида айни шу мазмун ифода этилади. Ғазал соф ишқий йўналишда бўлиб, тасаввуф ғоялари билан суғорилгандир.

Қоварлар итлари ул кўй аро фиғонимдин,

Не итки кўп улуса эл аро эрур мардуд.

Мазмуни: у кўчадан итлари фиғон қилганим учун қувадилар, чунки ит увласа, эл ичида рад қилинади, мардуд ҳисобланади.

Ити фарёдини ёқманг мангаким, хўйидин умре

Улуғроқ тинмадим, не навъ чеккаймен фиғон ҳаргиз?

..Итнинг фарёдини менга тўнкаманг, бир умрлик одатидан ҳеч тинмади(тўхтамади), не учун ҳар дам мен фиғон чекаман?

Агар биз ошиқнинг ички кечинмаларига назар солсак, ёр ишқда куйиб кечалари унинг дардида оҳ тортади. Бу ўринда ит образи ошиқ образини ифода этгани кўринади.

Навоийнинг нафақат ишқий ғазаллари балки ижтимоий руҳда яратилган ғазалларида ҳам ит образи ўзига хос мазмун англатади. Бундай ғазаллардан бири “Сен ўз хулқинингни тузгил бўлма эл ахлоқидан хурсанд” матлали ғазали Навоийнинг маҳоратини яққол акс эттирувчи бадиий лик ва ғоянинг бир-бирига мутаносиб ҳолатда гўзал, бетакрор ҳосилани намоён этивчи санъат асаридир. Бундаги мазмун бугунги кунда ҳам аҳамиятли бўлиб, ўзгалар ютуғи билан ҳаволанмасликка, киши ўз фазилатларини ривожлантириб бориш лозимлигини таъкидлаб, ўзгалар эришган ютуқлар худди бировнинг фарзанди, бошқага фарзанд бўла олмагандек гап эканлигини таъкидлайди. Ўрни келганда айтиш керакки, Ушбу байтларнинг мазмуни бугунги кун учун ҳам жуда аҳамиятга эгадир. Айни кунларда ўтказилаётган

Кўнгул комини қўй, гар худ менинг девона кўнғлумни

Топарсен уйла юз парканду сол ҳар итга бир парканд.

Кўнгил майлини қўйгил, агар менинг девона кўнғлимни топсанг, юз бўлакка бўлгину, ҳар итга бир бўлакдан сол.

Бунда “кўнгил ком” ибораси дунё орзусини назарда тутаяди. Девона кўнгул бунда тариқатда йўлга тушган солиқ образи бўлиб, ғазал бошдан охиркиноя устига қурилганлиги аёнлашса, мазмун юзага чиқади. Демак, дунё нафси қули бўлгунча у кўнгилни парча-парча қилиб итларга улоқтиришни афзал билади. Бунда гарчанд ит мажозий маънода ифода этилган бўлса-да, унинг физиологик-психологик характерида келиб чиққан ҳолда, қўлланганини кўришимиз мумкин. Навоийнинг ғазалларини кўздан кечирганимизда ит образининг бир қанча аниқловчилар билан келганига гувоҳ бўламиз. Масалан, қўй итлари, телба ит шаклида. Айни ғазалларда ҳам телба ит образининг ифода этилиши шу мазмунни ташишга хизмат қилади.

Телба итдекдур Навоий ул паривашсиз не тонг,

Оғзидан гар ўт сочиб, аъзоси гардолуд эрур.

Мажзуб ҳолатида бўлган ошиқ ҳолати шу тарзда образли баён этилади.

Ит ҳақ нури тажаллисидан баҳраманд бўлган зот, мажзублик ҳолатини ифода этади.

Юру, эй Хизрким ҳайвон суйидур захр агар ичсам,

Бу дамким, жомим ул шўх итлари синган софolidур.

Мазмуни: ул шўхнинг (ёр назарда тутилмоқда) итларининг синган софол жомим эрур, агар захар ичсам Хизрнинг тириклик сувидек бўлгай.

Бу ўринда ит образи юксак мақомга кўтарилиб, Ҳақ ишқи қалбида жо бўлган зотлар тимсолини акс эттиришга хизмат қилади. Синган софол тасаввуф адабиётида Ҳақ ишқиға мубтало бўлган, шу дард билан оғриган маъноларини ифода этади. Маълумки, Навоий мажзуби солиқ ҳолатига эришишни бутун умр истаб ўтган. Унинг бу каби орзу-истаклари ғазалларида ўз аксини топгани кўринади. Ит образининг бу каби маънолари уни бадиий адабиётда кенг кўламли мазмун ташувчи образлардан бири эканлигини исботлайди.

Хулоса қилиб айтганда, Навоий ҳазратлари асарларидаги ит образи ўзигача яшаган ижодкорлар қолдирган меросни давом эттириш билан бир қаторда янгича мазмун ифода этгани англашилади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, Атоий, Лутфий ижодий лабораториясида ит образининг нафс маъноси қўлланиш ҳолати учрамайди, аммо бунга тўхталган ўринлари бор. Аммо шуни айтиш керакки, ит образига бу мазмунни юкланиши Навоий даврига келиб, кашф этилган ҳолат деб тушунмаслик лозим. Чунки унинг илдизи Муқадас манба Қуръони Каримга бориб тақалади. Ундан кейинги даврларда Ҳадиси Шариф ва Навоийнинг “Насойиму-л-муҳаббат” тазкирасида келтирилган баъзи авлиёларнинг қарашларида ҳам бу маъно ифода этилади. Навоий ғазалиётида ушбу образнинг ўзига хос маъноси ошиқ маъносини ифодалаши билан ҳам характерланади.

Биринчидан, ит бу садоқат, иккинчидан рақиб, учинчидан нафс, тўртинчидан ошиқ тимсоли бешинчидан, авлиёлар тимсоли сифатида

қўлланганини кўришимиз мумкин. Навоий асарларини таҳлил қилар эканмиз, маъно нозиклиги ниҳоятда серқирра биллурдек жило касб этишини гувоҳи бўламиз. Асарлар қарига сингдирилган мазмун –моҳият ҳар бирида алоҳида янги асар сифатида кўзга ташланади.

1) ит образининг ушбу маънолари, аввало, унинг табиатида мавжуд бўлиб, бадиий адабиётга кўчиб ўтган;

2) муқаддас манбалардаги маълумотлардан озиқланган ҳолда сўфийлик таълимотида ривожлантирилган;

3) Навоий асарларида ушбу образнинг кенг кўламда қўлланишига ўзигача бўлган адабиётларда эътибор қаратилган образлардан бири бўлгани сабаб бўлган.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, образ атамаси адабиётнинг муҳим тушунчаларидан бири бўлиб, у туйғуларнинг қалблардан қалбларга кўчишини таъминлайдигин асосий тушунчаларидандир. Биз улар воситасида қалбимиздаги англамсиз ҳиссиётларимизни тушуна оламиз.

Адабиёт асли вазифаларидан бири руҳиятни тарбиялашдир. Бу образлар орқали амалга оширилгани сабабли ҳам унинг ўрни бекиёсдир. Мажозий образлар ғояни қатма қат тарзда ифодалаб, асарнинг гўзаллигини таъминлайди. Ўқувчида янада ёрқинроқ, мустаҳкамроқ таассуротни пайдо қилишга хизмат қилади.

Ит образи илдизлари қадим халқ оғзаки ижоди, иккинчи томондан, диний манбалардан қидириш моҳиятга элтади, назаримизда. Тасаввуфий адабиётларда англатувчи мазмун юк манбалардан таъсирланган, озиқланган ҳолда кенгроқ тарзда ифода этишга хизмат қилади. Кузатишлар натижаси шуни кўрсатадики, ит образининг мазмун англатиш чегараси давр ўтган сари кенгая борган. Янгидан янги маъно қатламлари ортила борган. Халқ оғзаки ижоди намуналарида учраган ит образи аввало икки хил маъно: ихобий ва салбий кўринишда учрайди. Бунда у вафо-садоқат, шу билан бирга нафсаний истакларни ҳам ифода этганига гувоҳ бўламиз. Тасаввуфий мазмунни акс эттирувчи адабиётларда ит образининг қамров доираси анча кенгайгани кўзга ташланади.

Буни Жалолиддин Румий, Лутфий ҳамда Атоий ижодини солиштириш натижасида исботлаш мумкин. Масалан: Румий ижодида ит образи фақат садоқат тимсоли бўлиб келган бўлса, Атоий ижодида биров кенгроқ планда, яъни содиқлик, садоқатга қўшимча тарзда рақиб маъноси ҳам ифода этилади.

Аммо Навоий ҳазратлари асарларида ишлатилган ит образи нафақат турли маънода балки ҳар бир ўринда ишлатилган образлар ўқувчиларда хилма хил таассурот ва фикр уйғотади. Биринчидан, ит бу садоқат, иккинчидан рақиб, учинчидан нафс; тўртинчидан, баъзи ўринларда ошиқ ва авлиёлар тимсоли маъноларини ифодалаб келган. Навоий асарларини таҳлил

қилар эканмиз, маъно нозиклиги ниҳоятда серқирра, биллурдек жило касб этишини гувоҳи бўламиз.

1) ит образининг ушбу маънолари, аввало, унинг табиатида мавжуд бўлиб, бадий адабиётга кўчиб ўтган;

2) муқаддас манбалардаги маълумотлардан озиқланган ҳолда сўфийлик таълимотида ривожлантирилган;

3) Навоий асарларида ушбу образнинг кенг қўламда қўлланишига ўзигача бўлган адабиётларда эътибор қаратилган образлардан бири бўлгани сабаб бўлган.

Бадий адабиётда, хусусан Навоийнинг Бадоеъу-л-бидоя девонидаги ит образининг бу каби маъноларини тадқиқ этилиши тасаввуф адабиётида яратилган асарларнинг маъно қатламини яна бир саҳифасини очиб еришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Сиёсий адабиётлар

1.1 Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч, Т.: Маънавият, – 2009.

1.2 Каримов И. Адабиётга этибор – келажакка, маънавиятга эътибор, Тошкент: Ўзбекистон, – 2009. 40 б.

2. Асосий манбалар

2.1 Навоий, Мукаммал асарлари тўплами. (биринчи жилд), Т.: Фан

2.2 Девони Шайхзода Атоий, (нашрга тайёрловчи: Сайфиддин Сайфуллох) Тошкент, Фан, – 2008.

2.3 Лутфий шеъриятидан, (тахрир ҳайъати: Аҳмадхўжаев Э., Жабборов Ж. ва б.), Тошкент, Ўзбекистон Компартияси Марказий нашриёти, – 1985.

2.4 <http://forum.ziyouz.com/index.php?topic=160.0>, Қурони Карим (Аловиддин Мансур таржимаси),

2.5 Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy, Al-jomi' as-sahih (1-jild) Arabchadan Zokirjon Ismoil tarjimasi, Qomuslar Bosh tahririyati Toshkent, 1991, 403 б.

2.6 абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал- Бухорий, Ал- жомийъ ас-саҳиҳ(2-жилд) Арабчадан Хожа Музаффар Набихон ўғли ва

Хожа Бахтиёр Набихон ўғли таржимаси, Қомуслар бош таҳририяти, Тошкент, 1997.

2.7 Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy, Al-jomi' as-sahih

(3-jild) Arabchadan Rahmatulloh qori Qosim o'g'li va Hoja Baxtiyor Nabixon o'g'li tarjimasi, Qomuslar Bosh tahririyati, Toshkent, 1991,

2.8 <http://forum.ziyouz.com/index.php?topic=824.0>, Ғаззолий, Ихёи улумиддин, Т.: Мавоуннаҳр, 2007.

2.9 <http://forum.ziyouz.com/index.php?topic=824.0>, Ғаззолий, Ихёи улумиддин (Қалб китоби), Т.: Мавоуннаҳр, 2006,

3. Асосий адабиётлар

3.1. Акромов Б., Шеърят гавҳари, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, – Т.: 1979, –169 б.

3.2. Умутов Х. Адабиётшунослик назарияси. Олий ўқув юртлари учун дарслик, – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004, 264 б.

3.3. Бобоев Т. Адабиёт асослари Олий ўқув юртлари учун дарслик, – Т.: “ Ўзбекистон” нашриёти, 2001, – 560 б.

3.4. Қуронов Д, Адабиётшуносликкакириш, Олий ўқув юртлари учун дарслик, – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004, – 224 б.

3.5. Салоҳий Д., Бадоеъу-л-бидоя малоҳати, Т.: “Фан”, –2004,

3.6. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2001. Б 51.

3.7. Юсупова Д. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи(Алишер Навоий даври), Тошкент, Академнашр, 2013.

3.8. Ҳаққулов И. Мерос ва моҳият, Тошкент, Маънавият, 2008.

3.9. МАърифат фидоийси(Ботирхон Акромов), Тошкент, Мумтоз сўз, 2012.

3.10. Жазарий, Тасаввуф сирлари(тўплаб нашрга тайёрловчи Баҳриддин Умрзоқ, Абдумурод Тилав) Тошкент, Мавароуннаҳр, 2000.

3.11. Жазарий, Тасаввуф сирлари(тўплаб нашрга тайёрловчи Баҳриддин Умрзоқ, Абдумурод Тилав) Тошкент, Мавароуннаҳр, 2004.

3.12. Комилов Н. Тасаввуф, Тошкент, Мавароуннаҳр- Ўзбекистон, 2009.

3.13. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият луғати, Тошкент, янги аср авлоди, 2008.

3.14. Шарқ мумтоз поэтикаси манбалари(Ҳамидулла Болтабоев талқинида), тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси дав. илм. нашр., 2008.

3.15. Рустамов А. Навоийнинг бадиий малоҳати, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, – Тошкент, 1979.

3.16. Умуров Ҳ. Адабиётшунослик назарияси. – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004. Б 33.

3.15 Ақобиров С., Магруппов З. М., Маматов Н. М. Русско- узбекский словарь. В 2-х т.— Т.: Главная редакция УЗСЭ, 1983. – т. I. А—О, 808 с.

3.16 Баранов Арабское- русское словарь. Русский язык. Москва: – 1985. С 741.

3.17 Навоий асарларнинг қисқача луғати

3.18 Ақобиров С., Магруппов З. М., Маматов Н. М. Русско- узбекский словарь. В 2-х т.— Т.: Главная редакция УЗСЭ, 1983. – т. II. С—Я, С 417.

3.19 Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2001. Б 41.

3.20 Мингбоева Д., Тимсоллар тилсими, Т.: “Янги аср авлоди”, – 2007, 180 б

4. Диссертациялар ва авторефератлар

4.1 Бозорова Н. «Алишер Навоий ғазалларида кўнгил образи» (“Бадоеъ ул-бидоя” девони асосида). Филология фанлари номзоди... дисс. – Тошкент. – 2002.

4.2 Жабборов Н. Фурқат

4.3 Тилавов А. Ўзбек халқ дostonларидаги от образининг тарихий асослари ва бадиий талқини. Филология фанлари номзоди дисс. – Тошкент. – 2000.

4.4 Салоҳий Д. Алишер Навоий поэтик услубининг тадрижий тақомили. Филология фанлари доктори... дисс. – Тошкент. – 2001.

4.5 Салахутдинова Д. “Бадоеъ ул-бидоя” девони ва бадиий санъаткорлик масалалари, ф. ф. н. олиш учун дисс. Самарқанд: – 1993,

4.6 Муллахўжаева К., Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуфий тимсол ва бадий санъатлар уйғунлиги, ф. ф. н. даражасини олиш учун диссертация, Т.: – 2005.

4.7 Эшонқулов Х., Алишер Навоий шеърлятида самовий тимсоллар, ф. ф. н. олиш учун автореферат. Самарқанд: – 1999,

4.8 Акрамов Б. Ҳозирги ўзбек лирикасида поэтик образ муаммоси, ф. ф. д. даражасини олиш учун дисс. Тошкент, – 1991.

5. Мақолалар

5.1 Жаҳон ичра тенгсиз жаҳоним, // Тафаккур, 1, 2001// , Б 64-87.

5.2 Зиёдинов М., Жонихонов М. Аждодларимизнинг бебаҳо мероси – абадиятга дағлдор маънавий хазинадир. // Халқ сўзи 2014-йил 16-май//

5.3 Жабборов Н. Сўз замиридаги моҳият //Ўзбекистон адабиёти ва санъати,2014-йил, 30-май //

5.4 Давлатов О. Ажаб йўқ одамийликни унутсанг, //Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2012-йил 30-ноябр//

5.5 Ҳамроева Д. Образ, тимсол ва рамз, // Ўзбек тили ва адабиёти//, Т.: 2008, 4-сон.

5.6 Жабборов Э. Туш семантикаси талқини, //Ўзбек тили ва адабиёти, 2005 4-сон//

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ “БАДОЕЪУ-Л-БИДОЯ” ДЕВониДАГИ ИТ ОБРАЗЛАРИ

5- мухаммас

Ошиқекеим, бўлғай ул бир шўхи гулрухсорсиз,
Уйла булбулдурки қолмишдур гулу гулзорсиз,
Вой ул бедилғаким, қолғай тирик дилдорсиз,
Бир иёсиз ит бўлуб эрди Навоий ёрсиз,
Бўлмасун, ё рабки, ҳаргиз банда султондин жудо.

Ғазаллар

6

Итларинг махсусу маҳзундур Навоий, кошки,
Кирса бу маҳрум ҳам ул зумрайи маҳрам аро.

12

Ғар кўнгул оҳу кўзунг оллинда лойиқ бўлмаса,
Итларингга бўлсун, эй шўхи ситамкорим, фидо.

52

Бир иёсиз ит бўлуб эрди Навоий ёрсиз,
Бўлмасун, ё рабки, ҳаргиз банда султондин жудо.

53

Итинг ҳисобиға кирган ҳисоб вақтида,
Агарчи журми эрур беҳисоб, эмас маҳсуб.

62

Фалак бошингға қоплаб ит терисин,
Сен они жаҳлдин деб кишу синжоб.

110

Кўнгул комини кўй, гар худ менинг девона кўнглумни
Топарсен уйла юз парканду сол ҳар итга бир парканд.

111

Қоварлар итлари ул кўй аро фиғонимдин,
Не итки кўп улуса эл аро эрур мардуд.

127

Телба итдекдур Навоий ул паривашсиз, не тонг,
Оғзидин гар ўт сочиб, аъзоси гардолуд эрур?

140

Бордилар аҳбобу мен йиғлармен ўз аҳволима,
Корвондин қолғон ит янглиғки, қилғай нолалар.

155

Итингнинг гоҳ изи, гаҳ панжасидиндур димоғим хуш,
Бу бирдур мушки бийд, ул бир анга гўёки насриндур.

162

Токи еткурсам рикобиға бошимни, кошки,
Қилса шахсимни қазо ит шакли бирла ошкор.

168

Қасдима ҳар ёндин ул кўй итларин кўй, эй рақиб,
Ким саломат пардасин юз поралиқ кўнглум тилар.

174

Итига тўъма дарбойист бўлғай деб қаён борса,
Кўнгул сайдини фитрокиға айлаб устувор элтур.

183

Юзу лаълиигдин Навоий беҳуд ўлса, сўрмағил,
Бир итингдурким, сахар вақтида шаккархоби бор.

190

Итларинг бўлмиш Навоий кўнгли учун меҳмон,
Бу кеча ул кўй аро, кўрким, ажаб ғавғоси бор.

195

Итлари қут этсун ўлтургач Навоий қонини,
Барча гар ҳар қатра бир жаннат гулиға ғозадур.

200

Юру, эй Хизриким, ҳайвон суйидур захр агар ичсам,
Бу дамким, жомим ул шўх итлари синғон сафолидур.

230

Англаким, аҳбобни кулбамда меҳмон этмишам,
Итлари оғзида гар кўрсанг бағирдин поралар.

242

Ити фарёдини ёқманг мангаким, хўйидин умре
Улуғроқ тинмадим, не навъ чеккаймен фиғон ҳаргиз?

246

Одамийлиқдин қочиб, еттим жунун ўтин сочиб,
Эй саломат аҳли, айланг телба итдин ихтироз.

250

Телба кўнглум топсангиз, эй ёр кўйи итлари,
Тўш-тўшидан тишлабон парканд-парканд айлангиз.

251

Туфроғимдин, кошки, жисме мураттаб қилсангиз,
Бир ит ўлса кўйида руҳиға қолаб қилсангиз.

252

Итингки шерзабундур, анга топа олмон
Десам, кўрай ани бошимдин ўзга дастовез.

253

Гар Навоий чекар ун ҳажр туни,
Йўқ ажаб, тун эмас ит афғонсиз.

268

Зулфидин айру жунунимға десам тадбир эмас,
Телба итга чора дерким қатл эрур, занжир эмас.

271

Йўлунгда ўлди Навойио бўлди туфроғ ҳам,
Ёпушса эрди бу куй итлари аёғиға кош.

272

Аёғиға чу малойик бошин қўя олмас,
Навойиё, қўякўр итлари аёғиға бош.

309

Беша шерин гар забун қилсанг шижоатдин эмас,
Нафс итин қилсанг забун, оламда йўқ сендек шужоъ.

354

Итлари синғон сафоли ичра чектинг дурди шавқ,
Эй Навоий, они жом, ўзунгни Жамшид айладинг.

370

Тарк этмади бош қўймоқ эшигингда Навоий,

Бу кўйдин ит деб они ҳам нечаки сурдунг.

382

Эй Навоий, ўзни солдинг итлари хайли аро,
Итни гўё одамий хайлида маҳсуб айладинг.

413

Таковарингга бағир қонидин ҳино боғла,
Итингга ғамзада жон риштасин расан қилғил.

422

Бўлмасун бу тўъмадин маҳрум ул куй итлари,
Эй ажал, тақсим учун бағримни юз парканд қил.

430

Итларинг оллида юз пора кўнгулни солдим,
Муна кўр, ҳар бирининг оллида бир пора кўнгул.

442

Маҳрами гар бўлмасанг хуштур бу ҳамким, бўлғасен
Итларига ҳамнишину соҳиб асрор, эй кўнгул.

455

Не итни ул бути бегонаваш итики соғиндим,
Ит ошноға ёлинғон киби ул итга ёлиндим.

459

Итига тўъма, дарбониға бўлсун муттако, ўлсам,
Таним ул кўйдин олманг, бошим ул остондин ҳам.

460

Кўзумда жилва қилиб, кўнглум олмоқ истади гул.
Итинг изича ани кўзга илмади кўнглум.

462

Раминг бўғун-бўғунумни ойирди, ҳам хуштур
Итингга ташламоқ учун бирин-бирин сўнгагим.

503

Дедим: бошимни чопиб, элт тўъма итлариннга,
Деди: бу юкдин узулмиш яқинда фитроким.

506

Итининг гар аёғи куйди ўтган чоғда кабримдин,
Сўнгаклар туфроғимдин куйдуруб, айланг анга марҳам.

522

Ўлган итин, эй хаста Навойию рақибин
Чун кўрсам ити оллида, лошинг соғинурмен.

528

Итларингнинг изидин юз гул кўзум боғидадур,
Шукр эрур бу ҳамки ишқинг йўлида помолмен.

534

Бағирда неши ғам ўлтурдию кўнғлумда юз ғамким,
Итинг қут этмагай ногаҳ куюк бағрим кабобидин.

544

Ичтим итинг сафолида май, ваҳ, қачон ювғай
Ҳайвон зилоли завқини оннинг мазоқдин?

553

Мунглуғ кўнгулнинг оҳидин этмас рақиб ваҳм,
Йўқ итга бок ишқ гадоси асосидин.

557

Дедим: «камина итингмен», кулуб манга айтур:
«Навойиё, не бало худнамо эмиштуксен?!»

567

Дема, нолангдин юмулмас кўзларимким, тонг эмас,
Келмаса беморларга уйқу ит афғонидин.

568

Навойи, истасанг кўйин, итига ошно бўлғил,
Ялингон янглиғ ул ит ошноға, сен анга ёлин.

571

Ярамға хеч мархамдин етишмас онча роҳатким,
Чиқориб тил, итинг қонин ялар жисми фиғоримдин.

577

Эшнттим, телба ит кўйида қатл айлар эмиш, айтинг,
Ким ул кўй итларидин эрди бу девона ҳам бир кун.

581

Кеча айш аҳли муғанний лаҳнидин хушҳол эмас,
Ончаким мен тонгға тегру итлари фарёдидин.

591

Кўрмак тилар юзунгни кўнгул, кош итларинг
Ёнимни қилса тўьма сўнгаклар аросидин.

593

Бўлубмен ул париваш фурқатидин телба ит янглиғ,
Қаён юзлансам, эй аҳли салоҳ, айланг ҳазар мендин.

597

Эйки қўймассен, танимни тўьма қилғай итларинг,
Итларингга жонни ким қилди фидо андоқки мен?!

608

Истасам хуснунг закотин, гар бўлур мониъ рақиб,
Не ажаб, чун ит бўлур доим гадо бирла аду.

626

Сийми ашким итларингнинг йўлида сарф айларам,
Чун демиштурларки: қозғон дўст молинг борида.

641

Бўлмоқ итлар мунъими тан тўьма айлаб яхшироқ,
Танни қилғунча самин нокаслар инъоми била.

642

Телба ит деб ҳар тараф йўлдин қочарлар аҳли хуш,
Ўт сочиб оғзим, югурсам жисми гардолуд ила.

643

Қўй насиҳат, зоҳиду, ўтлуғ дамимдин ваҳм қил,
Телба ит имкони йўқтурким соғалғай панд ила.

673

Олиб юз пора кўнглум итларингга айладинг қисмат,
Итингмен, айб эмас, жоно, манга ҳам тегса бир пора.

676

Кўйида ўлди Навоий, қочти ондин итлари,
Йўқ эди ўлганда ёру ошнолар бошима.

678

Эй Навоий, итларига тўъма дарбойист ўлуб,
Ёр агар истар, кўнгул тайлим қилғил жон била.

687

Ёлиниб ул кўй ити бирла борурмен кўйига,
Ваҳки, ул кўй ичра бормен мен кейин, ит илгари.

705

Балият тошидин юз пора бўлгон ҳам эрур хушким,
Итингга етмағай заҳмат қилурда тўъма бошимни.

731

Англағил, жоноки, кўюнгда Навоий ўлди зор,
Топмасанг итлар уни ичра фиғони зорини.

742

Мен арчи кўйида ўлдум, қовунгки, телбарар охир
Чурук сўнғакни танимдин узуб не итки кўмурди.